СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 169-170 (10.474-10.475) / 2005 ЙИЛ 30 АВГУСТ

14 O'ZBEKISTON

**Ўзбекистонда истиқлол байрами арафасида тўқимачилик соҳасида бир неча қўшма корхона ишга туширилди. Мазкур лойиҳалар республикамизда етиштирилаётган пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Бошқача айтганда, соҳанинг фаолият юритаётган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган янги корхоналари олдига мамлакатимизда тайёрланаётган пахта толасининг 50 фоизини қайта ишлаш вазифаси қўйилмоқда.**



## ЯНГИ КОРХОНАЛАР – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА «ТОШТЕКСТИЛЬ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.**

«Тоштекстиль» Ўзбекистон-Германия-Туркия қўшма корхонаси ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. 26 август куни пойтахтимизда ушбу корхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва хорижий фирмалар, компаниялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.Бахромов, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кемал Ася, «Мимекс групп» /Туркия/ компанияси президенти О.Каравели огли, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Шодмонов ва бошқалар республикамизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, одамлар фаровонлигини оширишга қаратилганини таъкидлади. Янги қўшма корхона ўзбекистонлик тўқимачиларнинг чет эллик ҳамкорлари билан ўзаро ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Қўшма корхона «Тошқишлоқмаш» очиқ акционерлик жамиятининг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил этилди. Мазкур жамият, Германиянинг «Шульц» фирмаси ва Туркиянинг «Мимекс групп» компанияси корхона муассислари саналади. Лойиҳанинг умумий қиймати 14 миллион еврони ташкил этади. Корхона хорижий сармоядорларнинг ўз маблағи ва «Асака» давлат акционерлик тижорат банки кредити эвазига молияланди.

«Тоштекстиль» корхонаси йилига 3850 тонна бўялган трикотаж мато ва 6 миллион дона трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Экспорт салоҳияти 10 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Янги цехларда Германия, Италия ва Америка фирмаларида ишлаб чиқарилган юқори технологик ускуналар ўрнатилган.

Бу ерда 700 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади, ишлаб чиқариш қуввати тўлиқ ишга тушгач, ишчилар сони бир ярим минг кишига етади.

Ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичида йигирув цехини барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу эса калавани тўлиқ қайта ишлаш, тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради.

Шуниси қувонарлики, Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида республикамизда тўқимачилик ва бошқа соҳаларда бирин-кетин янги қўшма корхоналар очилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январда қабул қилинган «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Айни вақтда 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш дастури ҳам тасдиқланди. Ушбу ҳужжат тўқимачилик соҳасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга хизмат қилаётир.

Ҳозир янги ташкил этилган қўшма корхоналарда бир неча минг киши иш билан таъминланди. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қабул қилинган дастурга кўра, соҳада жами 46 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она—Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ—тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий—сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими"

**Бандин Анатолий Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кўчқоров Тоҳир Анварович** — Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Давоми 2 -бетда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «КОРЕЯ-ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛИК АССОЦИАЦИЯСИ РАИСИ КИМ ЮН СИКНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги фаол ва самарали хизматлари учун «Корея-Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси Ким Юн Сик «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 29 август*

## ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА «ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» МУЛЬТИМЕДИА ДИСКИ ЯРАТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати Матбуот ва ахборот агентлиги ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантини яратди.**

Ислом Каримовнинг XII жилдлик асарлар тўпламида мустақил Ўзбекистон давлатининг қарор топиши ва тараққиёти босқичлари ёрқин акс эттирилган. Унда Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг стратегик вазифа ва йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

XXI аср Ўзбекистон аҳолиси учун қандай кечади, унинг турмуши қай даражада яхшиланади ва фаровонлашади? Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида бизни қандай муаммолар, қийинчилик ва синовлар кутаётганини, осойишта турмушимиз, тинчлик ва хавфсизлигимизга таҳдид солаётган хавф-хатарни етарлича аниқ англаяпмизми?

Ушбу хавф-хатарларни қандай бартараф этишимиз мумкин, жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаб қолиш ҳамда глобал хавфсизликни таъминлаш учун қандай кафолатлар мавжуд?

XXI асрда янада барқарор ривожланиш учун Ўзбекистон қандай салоҳият ва имкониятларга эга? Иқтисодий сиёсатда, жамиятни янгилаш ва тараққий топтиришда қандай устувор йўналишлар мавжуд?

Жаҳондаги давлатлар билан кенг ва ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қандай шарт-шароитларни таклиф эта оламиз?

Айнан шу мавзулар ва давримизнинг бошқа кўплаб долзарб масалалари Ислом Каримов асарларида чуқур таҳлил этилган ва уларни амалий ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Давлатимиз раҳбарининг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантига унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузаси, 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан қилган баёноти ҳамда матбуот конференцияларида мухбирларнинг саволларига берган жавоблари ҳам киритилган.

Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияси даврига қадам қўйди. Мамлакатда глобал рақамли технологиялар, энг замонавий ахборот хизмати турлари, хусусан, юқори сифатли графикали, овозли ва визуал ахборот бериш воситаси бўлмиш мультимедиа технологияси кенг қўлланилмоқда. Ўзбек ва рус тилларида давлатимиз раҳбарининг XII жилдлик асарлар тўплами мультимедиа вариантининг яратилиши мазкур асарларни янги ва юқори технологик электрон воситалар орқали ўрганиш имконини беради.

Шуни қайд этиш жоизки, ушбу мультимедиа дискига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат мадҳияси, Президентнинг таржимаи ҳоли ва Конституцияда белгиланган мақомига доир маълумотлар, XII жилдлик асарларнинг 8000 саҳифага яқин матни ҳамда давлат раҳбари фаолиятига оид 700 дан зиёд фотосуратлар, юзга яқин аудио ва видеоматериаллар киритилган.

«ИСЛОМ КАРИМОВ. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ» CD-дискини яратишда Ўзбекистон Президенти Матбуот хизматининг интернет-сайти (www.press-service.uz) ахборот ресурсларидан, Матбуот хизматининг архив суратлари, аудио ва видеоматериалларидан, шунингдек, миллий мумтоз куйларимиз ва жаҳон классик бастакорлари асарларидан фойдаланилган.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

## "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

**Назаров Икром Усмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси ўқитувчиси

## "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"

**Тошматов Валижон** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида ислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашаётгани, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

**Мамо Владимир Адольфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги корпус командирининг ўринбосари

**Наумов Виктор Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## I даражали "Шон—шараф" ордени билан

**Чиналиев Зокирали Ниёзқулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг отряд командири

## II даражали "Шон—шараф" ордени билан

**Абдураҳимов Ғанижон Муллажонович** (марҳум) — Андижон шаҳар прокурори

**Бобожонов Мурод Йўлдошбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Боймирзаев Асқарали Ҳасанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ғаффоров Ўткирбек Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Зоҳидов Шуҳратбек Ўткирович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

**Қамчиев Салимберди Худойбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Отабек Иброҳимович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримжонов Баҳодиржон** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кожевников Сергей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамаюсупов Рустам Иномович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Носиров Нодирбек Болтабоевич** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер-кинологи

**Панфилов Александр Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Раҳмонов Улуғбек Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сафаров Бахтиёр Шакарбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Товулдиев Аброрбек Анарбаевич** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари секцияси командири

**Тухсинов Иқбол Авазбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усмонов Ёқуббек Анварович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Усмонов Содиқжон Солиевич** (марҳум)— Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳайитов Мухторжон Умаржонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хизматчиси

## "Дўстлик" ордени билан

**Данильян Фрик Арамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тергов бош бошқармаси катта терговчиси

**Икромов Эргашвой Жумабоевич** — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи

**Наримбетов Жиенбай Бекимбетович** — Хоразм вилояти Янгибозор туман прокурори

**Чжен Эдуард Самнамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлим бошлиғи

**Шангареев Ильмир Фатихович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

**Шиманис Андрей Олегович**— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта инспектор-муҳандиси

## "Жасорат" медали билан

**Аббосхўжаев Алихон Шорахон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг пост бошлиғи

**Абдужабборов Дилмурод Султонмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Абдуқаюмов Давронбек Ўктамович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси милиционер—ҳайдовчиси

**Абдуллаев Қурбонали Мўйдинович** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси гуруҳ командири

**Абдулҳамидов Акромжон Фозилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон мутахассиси

**Абдурашитов Ринат Маратович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта тезкор вакили

**Абдуюсупов Мурод Абураҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Азизхўжаев Хуршидхўжа Талъатхонович**— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта инспектори

**Азимов Равшан Ғаффорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Отабеков Анваржон Машраббоевич** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон мутахассиси

**Баҳодиров Муҳаммадносир Маматшокирович** (марҳум) — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг қўриқлаш бўлими милиционери

**Бегежанов Нурлан Ботирбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бозоров Зоҳиджон Умаралиевич** — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

**Валиев Анваржон Ҳамиджонович**— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Ваҳобов Абдурауф Ҳожиакбарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Волков Алексей Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг катта назоратчиси

**Ғафуров Фарҳод Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Давронов Набижон Расулович** (марҳум) — Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг инспектори

**Жўрабоев Анваржон Аҳмаджонович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Жўраев Рустамжон Мухторжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Дўстонов Илҳомжон Абдуманнопович** (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг сапёри

**Жалилов Нодиржон Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Жалолов Ҳалимжон Сотволдиевич** (марҳум)— Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг милиционери

**Жумабоев Музаффар Шокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг ҳайдовчиси

**Қамчиев Эгамберди** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Каримов Акбар Абдусамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг разведка бошлиғи

**Қаюмов Оллоёр Абдуқодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

**Кидиргичев Мерлан Садатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон наводчиги

**Қосимов Баҳодиржон Давронович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Мавлютов Радислав Камильевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг биринчи ўринбосари

**Мадиёров Бахтиёр Абдуолимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги батальон штаби бошлиғининг ўринбосари

**Мадраимов Ойбек Маматжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Мадраҳимов Иқболжон Иброҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ сапёри

**Мамасидиқов Зоҳиджон Тўлқинович** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг ходими

**Маматов Аъзамжон Қамбарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ пулемётчиси

**Манглиев Соҳибжон Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг базасининг хизмат бошлиғи

**Маннопов Тоҳиржон Абдунабиевич** — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг инспектори

**Маҳмудов Санжарбек Ҳамзаевич** (марҳум) — Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили

**Мирзаев Санжар Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг муддатли хизмати ҳарбий хизматчиси

**Мўминов Ғайрат Эргашевич** (марҳум)— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Андижон вилояти Мудофаа ишлари бошқармасининг бўлинмаси бошлиғи

**Назаров Улуғбек Маҳмудович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ пулемётчиси

**Насриддинов Абдижалил Сотволдиевич** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги давлат фельдъегерлик хизматининг Андижон шаҳар бўлинмаси катта зобити

**Насриддинов Дилшод Абдулажонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг батальон командири

**Нодиров Қаҳрамон Абдусатторович** — Андижон вилоят прокуратурасининг катта терговчиси

**Нормаҳамматов Ҳамид Шамсиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг ўринбосари

**Остонақулов Муродали Алламуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари йўриқчиси

**Равшанов Акмал Миржамилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Ражабов Анвар Ҳакимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

**Раззоқов Каримжон Абдурасулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мергани

**Раҳмонов Бахтиёржон Фозилович** — Андижон вилоят ички ишлар бошқармасининг жазони ижро этиш бошқармаси ходими

**Раҳмонов Муҳиддин Қодирович** — Ўзбекис-

Давоми 3 -бетда.

## МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

# МИЛЛИЙ АРМИЯ — ФАХРИМИЗ ВА ТАЯНЧИМИЗ

**Маълумки, 1991 йил барчамиз учун, хусусан халқимиз учун қутлуғ келди. Худди шу йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистонимиз мустақил республика сифатида қарор топди. Ўзбек халқи қарамликдан қутулиб, ўз эркини, озодлигини қўлга киритди. Бу кун тарихимизга заррҳал ҳарфлар билан битилди. Бу кун минг йиллик тарихимизда алоҳида ўрин тутадиган мўътабар мазмун, чинакам буюк аҳамиятга эга бўлмиш байрамимиз нишонланадиган кунга айланди.**

Бу байрам аждодларимиз бўлмиш имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Алишер Навоий каби даҳо бобокалонларимиз руҳи қўллаб-қувватлагани, бизларга бахш этилган олижаноб туйғулар — руҳ озодлиги, қалб поклиги, иймон, ирода, мардлик, ватанпарварлик, миллату Ватан учун фидойилик ва бошқа асл фазилатлар наслимизга, қон-қонимизга сингиб кетганини исботлайдиган кун бўлди.

Бугунги ёшлар 14 йил олдинги ёшлардан бутунлай фарқ қилади. Чунки улар мустақил Ўзбекистон ёшлари. Бу ёшлар ягона коммунистик ғоялардан бегона, уларнинг дунёқараши мустақил, ворислик маънавий муҳити асосида қарор топмоқда. Бугун Ўзбекистон ёшлари жамият ижтимоий ривожланишининг турли сиёсий институтлар, партиялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланган, ижтимоий-сиёсий ва энг асосийси ўз маънавий қадриятларига таяниб, ҳаётни янгича мустақил идрок эта бошлаганлар.

«Биз учун мустақиллик, — дейди Президентимиз, — энг аввало ўз тарихимизни ўз қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир».

Чунки халқимизнинг маънавий қадриятлари, улар мероси ёшларимиз ҳаётида шу маънавий ва ахлоқий қадриятларни ўзлаштириб, баркамол авлод бўлиб етишишида муҳим рол ўйнайди. Фурсатдан фойдаланиб айтмоқчи эдимки, бизнинг Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини юқори савияда кутиб олишни ишчи-ходимларимиз, спортчиларимиз ўз олдиларида турган шарафли бурч деб билдилар. Бизнинг ташкилотимиз ҳам мустақиллигимизга етук жаҳон, Осиё чемпионлари — Андрей Разумовский, Сергей Юньков, Шавкат Исматуллаев каби қатор иқтидорли спортчиларни етиштириб, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Уларни тарбиялаган, ўқитган мураббийлар эса Юртбошимиз томонидан давлат мукофотлари — «Шуҳрат» медали, Республикада хизмат кўрсатган мураббий унвони билан тақдирландилар. Буларнинг ҳаммаси албатта мустақилликка эришганлигимиз шарофати биландир.

Мустақиллик айёмининг 14 йиллигини нишонлашга саноқли кунлар қолган айни паллада юксак бир ишонч билан айтиш мумкинки, халқимиз тинчлик-осойишталикнинг мазмун-моҳияти, ўтаётган кунимизнинг ҳар бир дақиқасининг қадр-қиммати, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигига масъул эканлигини тушуниб етди. Миллий Армиямиз сафларини тўлдираётган жасур ва мард йигитлар сонининг ортиши, ҳарбий хизмат нуфузининг тобора ошиб бориши шундан далолат бермоқда. Мен ишонаманки, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими мустақил юртимизга ҳали кўплаб ватанпарвар, фидойи, спортчи ёшларни етиштириб беришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

**Назриддин РИЗАМЕТОВ,**
**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

*Тадбиркорга — омад ёр*

# РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Айни кунларда “Тадбиркорнинг ошиғи олчи” десак ҳам муболаға бўлмайди. Негаки, Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид имзолаган бир қатор Фармонлари ва Қарори уларга тўла имтиёз ва кафолат яратдики, бу айнан ишбилармонлар доираси кутган ҳужжатлар эди. Бу ҳақда тадбиркорлиги билан юртимизда танилиб, ҳар бир хонадонга сифатли маҳсулотлари билан кириб боришни ният қилган ва бу эзгу нияти ижобат бўлаётган “Офис-трейдинг” хусусий корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори Ҳасан МАМАСАИДОВ қуйидагиларни изҳор этди:**

— Энг азиз, энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини ишбилармон соҳа вакиллари — тадбиркорлар ҳар йилгидан ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфият билан кутиб олишмоқда. Негаки Президентимизнинг июнь ойида чиқарган қатор Фармон ва Қарорлари биз тадбиркорларга қанот бўлди, янада эркинроқ, баракалироқ меҳнат қилиш, юртимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш имкониятини яратди. Бунинг учун, албатта аввало юқоридаги ҳужжатлар мазмун-моҳиятини теран англаб, фаолиятимизга татбиқ этишда оқилона иш юритмоғимиз даркор.

Сирасини айтганда, бундай имкониятлар, тадбиркорликка очилган кенг йўл — бу мустақиллигимиз шарофати. Ана шу имкониятлар туфайли тадбиркорларимиз ташаббуси ҳам ортиб бормоқда, ички бозоримиз ўзимизда тайёрланган сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлиб бориши баробарида “Ўзбекистонда тайёрланган” ёрлиқли маҳсулотларимизга жаҳон бозорида ҳам талаб ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан соҳа ривожига қаратилган давлат миқёсидаги эътибор, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишдаги имконият ва имтиёздир.

Президентимиз ҳар бир чиқишларида тадбиркорларга катта ишонч билдираётгани бизни янги ютуқларга ундаши, куч ва ғайратимизни ошириши табиий албатта. Жумладан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида Юртбошимиз бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш хусусида тўхталиб, тадбиркорлар фаолияти эркинлиги учун кафолатларни таъминлаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш йўлидаги мавжуд ғов ва тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Юртбошимизнинг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори, “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги Фармонлари айнан юқоридаги мақсадларга хизмат қилади, десак хато бўлмайди.

Юқоридаги ҳужжатлар тадбиркорлик ривожи учун шуниси билан қимматли ва аҳамиятлики, уларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш, микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада рағбатлаштириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган қасддан қилинган ва кам аҳамиятли, шунингдек давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқ бузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чораларининг қўлланилиши кўзда тутилган. Буларнинг барчаси тадбиркорлар кутган нарсалар бўлиб, фаолиятларидаги тўсиқларга барҳам беради. Мана эндиликда ортиқча аралашувларга ҳам, қоғозбозликка ҳам чек қўйилди. Булар кўнглимиздаги муддао бўлиб, бизни янги изланишларга, ташаббусга ундайди.

Шунингдек, яқинда матбуотда эълон қилинган Республика Президентининг “Банклардаги депозит ҳисоб варақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги Қарори ҳам бу борадаги муаммоларга чек қўяди, деган умиддамиз. Унда банкларнинг жорий йил 1 сентябргача аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг талаби бўйича нақд пуллар узлуксиз берилишини таъминлаш мақсадида банклардаги депозит ҳисоб ва -рақларда бўлган пул маблағларини бериш тартиби ва амалдаги Низомни қайта кўриб чиқиш борасида зарур чора кўрилиши таъкидланганлиги айни муддаодир.

Ўтган давр мобайнида хусусий корхонамиз ривожи хусусида тўхталадиган бўлсам, 2004 йилда импорт ўрнини босувчи полиграфия маҳсулотларимиз тури ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, яъни 400 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Шунингдек, ютуқларимиз йилдан йилга кўзга ташланмоқда. “Ўрикзор” даҳасида замонавий офис ва катта фирма дўконини, юксак унумли хорижий линиялар билан жиҳозланган цехни ишга туширдик, бир қанча янги ишчи ўринлари яратдик. Шунинг баробарида мамлакатимиз вилоятларида ҳам “Офис маркет” номи билан 20 дан зиёд фирма дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда пойтахтимизнинг “Мирobod” туманида яна бир офис ва ишлаб чиқариш бўлимини ишга туширишга муваффақ бўлдик.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ички бозорда ўз ўрнимизга эга бўлишимизда аввало бозорни ўрганишимиз, ташаббус ва изланишимиз ҳамда тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар, қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя катта мадад бўлмоқда. Ўтган йил охирида 400 минг евро миқдорида кредит олиб, Германиядан келтирилган замонавий “Хейдельберг” линиясини ўрнатиш натижасида маҳсулотларимиз тури кўпайиб, сифати ошди.

Иқтисодиётимиз ривожига ўзимизнинг рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларимиз билан ҳисса қўшар эканмиз, келгуси равнақимизни ҳам аниқ белгилаб олганмиз. Бу борада эса бизга юқоридаги Фармон ва Қарорлар ижроси катта мадад, муҳим имконият бўлишига аминмиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**ёзиб олди**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган анъанавий август кенгашида мактабларда маданий-маърифий ишларни ривожлантириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

● **УЧТЕПА** туманидаги «Диёр» номли мактабгача тарбия муассасасида боғча болаларини тарбиялашнинг интерфаол усулларидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда тарбиячилар иштирок этишди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 1, 2-мурувват уйлари тарбияланувчиларига юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари томонидан эсдалик совғалари туҳфа этилди.

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида «Маърифат» маҳалласи фаоллари, китобхонлар иштирокида ўтказилган “Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати» мавзуидаги давра суҳбати юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Мирзакалон Исмоилий маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Мустақиллик — олий неъмат» деб номланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманида жойлашган ҳарбий қисмда «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан юртимиз Истиқлолнинг 14 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди.

● **БУГУН** Амир Темур маҳалла гузарида жойлашган «Бахт уйи» тўйхонасида Сергели туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида «Тўйларингиз муборак, азиз болажонлар» мавзуида ташкил этилган тадбирда кам таъминланган оилаларнинг 200 нафар фарзандлари учун суннат тўйи маросими уюштирилди.

● **БУГУН** «РАФ» акциядорлик жамиятида ўтказилган давра суҳбати «Маърифатли халқни йўлдан оздириб бўлмайди» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Умуммиллий дастур — амалда*

# КОМИЛ ИНСОН — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

**Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарур ва мажбурий шарти сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ана шу сиёсатнинг узвий давомидир.**

Фармонни амалга ошириш борасида Тошкент шаҳар халқ таълими тизимида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ҳамза туманидаги 152-ўрта умумтаълим мактабида ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш бўйича салмоқли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади, —дейди 52-ўрта мактаб директори Марзия Мавлонова. Уни амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари мавжуд. Яъни, мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув услубий материаллар билан таъминлаш, таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ҳамда ўқув дастурини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш ва ниҳоят умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ҳамда спорт базасини мустаҳкамлашдир.

Ҳамза туманидаги 152- ўрта умумтаълим мактаби 21 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу давр мобайнида мактабимизни битирганлар ичидан етук олимлар, мутахассислар, фан, маданият, санъат намояндалари, давлат ҳамда жамоат арбоблари етишиб чиқди. Ҳозирги ўқитувчиларимизнинг кўпчилиги мактабимизда таълим олган ёшлардир.

Кейинги йилларга келиб мактабимиз анча таъмирталаб бўлиб қолган эди. Шуни ҳисобга олган Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси раҳбарияти ўтган йилиёқ мактабимизни «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Президентимиз Фармонларига мувофиқ бажариладиган ишлар рўйхатига киритди. Шунга мувофиқ кенг миқёсдаги ишлар бошлаб юборилди. Ўтган қисқа давр мобайнида мактабимиз таъмирдан чиқарилди. Билим масканимизнинг ташқи кўриниши, синф хоналари, фойелар, фан лабораторияларини илгари кўрган киши ҳозир танимай қолса ажаб эмас. Ҳаммаёқ ораста, саранжом-саришта. Ҳашаматли мактаб биноси савлат тўкиб турибди. Синфлар замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Айниқса мактаб ҳудудини ободонлаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Ўтган йили ўтказилган дарахтлар ҳозир гуркираб ўсяпти. Чаман бўлиб очилган гуллар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Яъни дастурда белгиланган тадбирнинг биринчи банди муваффақиятли бажарилди. Дастурнинг иккинчи бандида белгиланган талабларни бажариш бўйича ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Яъни, ўқув тизимини яхшилаш мақсадида замонавий ўқув ва ўқув лаборатория ускуналари олдик. Барча фанлар бўйича кўргазмали қуроллар сифати яхшиланиб, сони оширилди. Фан хоналарининг жиҳозланиши замон талабларига мослаштирилди.

Мактабимизда мана бир неча йилдирки ўқув жараёнларини ташкил этишда компьютер техникасидан фойдаланиб келинади. Лекин тараққиёт бир ерда тўхтаб турмайди. Замон талаблари даражасида иш юритиш учун эса сўнгги нусхадаги техника воситалари зарур. Шуни назарда тутиб, 2004-2005 ўқув йилининг ўзида мактабга сўнгги моделдаги Pentium-4 компьютерларини олиб ўрнатдик.

Шунингдек, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашни қаттиқ назорат остига олганмиз. Бундан ташқари ўқитувчилар ва ўқувчиларни методик қўлланмалар билан таъминлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳам диққат марказимизда.

Қилган ҳаракатимиз зое кетмаётганидан мамнунман. Айни пайтда мактабимизда 65 нафар тажрибали педагоглар ёшларга билим сирларини ўргатишяпти. Шулардан тўрт нафари олий, 16 нафари 1, 10 нафари 2-тоифали ўқитувчилардир. 2004-2005 ўқув йилида 8 нафар педагог ўз малакаларини оширди.

Ўқитувчилардан В.Кулчицкая, Қ.Сламқулова, Ғ.Одилова, М.Акрамова, Г.Қосимова, Э.Айрапетян каби билимли, зукко, тажрибали педагогларимизни жамоамиз фахри десак бўлади.

Халқимизда: «Соғ танда, соғлом ақл», деган доно гап бор. Шу сабабли ҳам умуммиллий дастурда мактаб спортига алоҳида эътибор берилган. Ушбу йўналиш бўйича ҳам мактабимизда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар томонидан ажратилган 44 миллион сўмлик маблағ ҳисобидан футбол, баскетбол, волейбол, бадминтон майдонлари қурилиб, борлари реконструкция қилинди. Катта ва кичик спорт заллари эса барча зарур спорт анжомлари билан таъминланди.

Хуллас, айтаверсак қилинган ишларнинг адоғига етиш қийин. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан қабул қилинган ва келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури туфайли жамоамизда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бу ўқувчиларнинг кўнгилдагидек билим олишлари, маънан ва жисмонан камол топиб, етук инсон бўлиб етишишларига катта ёрдам бермоқда.

**Каримжон РИХСИЕВ**
**ёзиб олди.**

# ИХТИРО ЧИҚИНДИНИ МАҲСУЛОТГА АЙЛАНТИРДИ

**Мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит ишлаб чиқариш жараёнида қарийб юз миллион тоннага яқин фосфогипс чиқиндиси тўпланиб қолган. Жумладан, Олмалиқ «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятида олтмиш миллион тонна чиқинди уч юз гектардан кўпроқ майдонни эгаллаб ётибди. Корхона томонидан бу чиқитларни ташиш, сақлаш, табиатга етказилган зарарни қоплаш учун ҳар йили бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланади.**

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бундай муаммоларнинг ечимини топиш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга зарарини камайтиришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадбирларга эътиборни кучайтирмоқда. Ана шундай ишлар самараси ўлароқ, Тошкент кимё-технология институти ноорганик моддалар технологияси кафедраси олимларининг фосфогипсдан иккиламчи хомашё — азотли ўғит ва оҳак олишга йўналтирилган лойиҳаси илмий-техник кенгаш аъзолари эътиборини тортди.

Бу илмий таклиф «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Олмалиқ «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти мутахассисларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

— Илмий изланишлар натижасида фосфогипс шунчаки чиқинди эмас, иккиламчи хомашё манбаи эканлиги аниқланди, — дейди Тошкент кимё-технология институти докторанти Холтўра Мирзақулов. — «Аммофос»да қайта ишланаётган фосфоритдан чиқадиган чиқит таркибидаги кальций сульфат бирикмаси 85-90 фоизни ташкил этади. У сув, аммиак, карбонад ангидрид кимёвий газлари ёки аммоний карбонад тузлари эритмаси ёрдамида консервация усулида қайта ишланса, икки хил тайёр маҳсулот — азотли ўғит ҳамда оҳак ҳосил бўлади.

Илмий хулосалар натижасидан келиб чиқиб, корхонага чиқиндини қайта ишлайдиган ускуна ўрнатилди. У кунига 25-30 тонна фосфогипсни қайта ишлаб, қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш тармоғи учун зарур маҳсулот — азотли ўғит ва оҳак етказиб беради.

Олимларнинг фикрича, бу ихтиро ишлаб чиқаришга тўла жорий этилса, экологик мувозанатни яхшилаш, табиат бойликларини тежаш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳасини зарур маҳсулотлар билан таъминлаш, пировардида эса юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЯЛДП САЙЛОВЛАРГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРМОКДА

**Маълумки, Японияда Бош вазир Ж.Коидзуми томонидан таклиф этилган почта тизими ислоҳотларига доир ташаббуснинг парламент томонидан рад этилиши оқибатида мамлакат қонун чиқарувчилар палатаси тарқатиб юборилган эди. Шу муносабат билан айни кунларда Кунчиқар мамлакатида жорий йилнинг 11 сентябрига белгиланган умумхалқ сайловларига тайёргарлик ишлари авжига чиққан. Бўлажак сайловларда асосий рақобат “Япония Либерал демократик партияси” (ЯЛДП) ва унга иттифоқчи “Янги Комей” партияси ҳамда Япония демократик партияси (ЯДП) ўртасида бўлиши кутилмоқда.**

Япония қонунчилигига биноан, қуйи палатада кўпчилик ўринларни эгаллаган партия ўз-ўзидан ҳукмрон ҳисобланади, партия раҳбари эса Бош вазир лавозимини эгаллайди. Бугунги кунга қадар Ж.Коидзуми бошчилигидаги ЯЛДП ва иттифоқчи “Янги Комей” ушбу вазифани бажариб келаётган эди. Айтиш жоизки, Япония иқтисодий мўъжизасида ҳамда мамлакатнинг жаҳондаги мавқеининг кўтарилишида айнан ЯЛДП асосий ролни ўйнаган.

Кунчиқар мамлакатининг Ўзбекистон билан муносабатларида ҳам партия вакилларининг салмоқли ҳиссаси бор. Хусусан, 2002 йили Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Японияга ташрифи давомида ЯЛДП — Ўзбекистон парламент лигасига асос солинган эди. ЯЛДП таниқли вакили, собиқ Бош вазир Йоширо Мори эса 2004 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Япония ҳамкорлик қўмитасининг фахрий президенти ҳисобланади.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**“Жаҳон” АА мухбири**
**Токио**

# «ИСТИҚЛОЛ ҚАҲРАМОНЛАРИ»НИНГ ЯНГИ НАШРИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Исҳоқхон тўра Ибратнинг «Танланган асарлар» китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тадбирда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов, адабиётшунос олимлар Улуғбек Долимов, Шариф Юсупов ва бошқалар шоир, тарихнавис, тилшунос ва диншунос сифатида ўзидан бой мерос қолдирган атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат «Танланган асарлар»ининг чоп этилиши истиқлолимиз шарофати эканини алоҳида таъкидладилар. Унинг «Луғати ситтати алсина»,«Жомеъ ул-хутут»,«Тарихи Фарғона» каби асарлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қизиқиб ўрганилади.

Ибратнинг «Истиқлол қаҳрамонлари» рукни остида чоп этилган мазкур китобидан кўпчиликка шу пайтгача маълум бўлмаган «Мезон уз-замон» асари, ўнга яқин янги шеърлари, ўз даврининг долзарб муаммоларига бағишланган публицистик мақолалари ўрин олган.

Китоб «Маънавият» нашриётида чоп этилган.

**ЎзА**

*Тадбирлар*

# БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

**Ўзбек халқи дунёнинг бошқа халқлари қатори ўзининг миллий анъаналари, қадриятлари ва урф-одатларига эга. Не ажабки, башарият тараққиёти, бетимсол ютуқлари айнан халқларнинг миллий менталитетидан озуқланиши исбот талаб этмайдиган ҳақиқат. Шу маънода муҳтарам Юртбошимиз Истиқлолнинг илк йилларидаёқ ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган қадриятларга ҳурмат, эҳтиром руҳида ёндошиш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтганди.**

Куни кеча Юнусобод туманидаги “Туркқўрғон” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган “Барҳаёт анъаналар” мавзуидаги давра суҳбатида ҳам азалий урф-одатларимиз, маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган тўй расмрусумлари, аникроғи, “Совчи келди” маросимини ўтказишга дахлдор бўлган қадриятларга урғу берилди. Унда тумандаги “Туркқўрғон”, “Оқибат”, Абдураҳмон Жомий, “Янгиариқ”, Уста Ширин, Ғайратий, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, “Обод” ҳамда “Посира” маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва хотин-қизлар комиссиялари раисалари иштирок этишди.

Давра суҳбатини “Маънавият ва маърифат” маркази Юнусобод туман бўлими бошлиғи Нафиса Акбарова кириш сўзи билан очар экан, миллий қадриятлар, айниқса , тўй маросимларига миллий руҳни олиб кириш, унутилиб кетаётган урф-одатларимизга қайтадан жон бағишлаб, бундай эзгу амаллардан ёшларни ҳам баҳраманд этиш зарурати мавжудлигига эътибор қаратди. Зеро, бугун мустақил ҳаёт бўсағасида турган йигит-қизлар эртага бўлғуси ота-оналардир. Шундай экан уларни миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялаш маънавий иқлимдаги эзгу қадамлардан бири бўлиб қолади.

— Маҳалла ўзбекнинг ўзидек қадимий тарихга эга, — дейди “Туркқўрғон” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Даврон Шораҳмедов. — Агар ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлабоқ ҳаётимни маҳалла фаолияти билан боғлаган бўлсам, ана шу даврлар ичида халқнинг жипслигида, бирдамлигида хизмат қўлини англаб етгандай бўлдим. Бугунги тадбиримиз эса тўй маросимларида маҳаллаларнинг қанчалик ўрни беқиёслигини амалда намойиш этди.

Умуман олганда, “Совчи келди” тўй маросимидаги қадимий анъаналар абадиятга дахлдор. Шу маънода уни маҳалла доирасида янада кенгроқ тарғиб қилиш, сизу биз учун унут бўлиб кетган барҳаёт қирраларини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга моликдир.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини барчамиз учун энг қадрли, энг азиз бўлган байрам Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз.**



*Ушбу файзли ва шукуҳли кунларда хонадонларингизга тинчлик-осойишталик, ўзингизга соғлик-саломатлик, фарзандларингизнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол бўлиб вояга етишларини тилаймиз.*

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали**






*Ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари, барча-барчангизни улуғ ва азиз байрам*

**Мустақиллик шодиёнасининг 14 йиллиги**

*билан муборакбод этамиз. Ҳар бир хонадонга фаровонлик, қут-барака, меҳр-мурувват нурлари ёғилишини, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, барча ҳамюртларимиз соғ-саломат бўлишларини тилаймиз. Бахт-саодат, туганмас омад ҳеч биримизни тарк этмасин.*



**Тошкент шаҳар Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси**

## ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

**Мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ҳамда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президент Ислом Каримовнинг шу йил 19 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган.**

Ушбу ҳужжатга мувофиқ 2005 йилнинг 1 сентябридан бошлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг мансаб маошлари миқдори 1,2 бараварга, ҳарбий хизматдан бўшатилиш чоғида бериладиган нафақа миқдори эса 2 бараварга ошириладди.

Ундан ташқари армиямиз офицерлари ҳамда шартнома бўйича хизмат қилаётган хизматчиларнинг мансаб маошларига мавжуд 15 фоизли ойлик устама ҳақ бекор қилиниб, ҳарбий унвонлар бўйича маошларнинг янги миқдори белгиланади. Шунингдек, белгиланган хизмат муддатини ўтаганлик учун ойлик фоизли устама ҳақ миқдорлари қайд этилди.

— Президентимиз Қарорига мувофиқ сентябрь ойидан маошимга 30 фоизли устама ҳақ қўшилади, - дейди Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Турғун Холиқов. - Ҳарбийларга доимо ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиб келаётган Юртбошимизнинг бу Қарори барча Ватан ҳимоячилари сингари мени ҳам қувонтириб юборди. Қарорни синчиклаб ўрганиб, маънавий-сиёсий машғулотларда шахсий таркиб орасида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

# ИЖОДКОР ВА ОЛИМ ЭДИ...

**Октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллардаёқ адабиёт майдонига кириб кела бошлаган Шокир Сулаймон, Ғайратий, Зиё Саид, Рафиқ Мўмин, Боту сингари Элбек (Машриқ Юнусов) ҳам янги ўзбек маърифати, маданияти ривожи йўлида фаол иш олиб бора бошлади.**

У 20-йиллар ичида бир қанча шеърий тўпламлар — «Армуғон» (1921), «Кўзгу», «Ёлқинлар» (1925), «Баҳор» (1929), ҳикоялар «Ойхон» (1920), «Қўшчи Турғун» (1925), ўқув китоблари ва тил қўлланмалари «Ўрнак» (1924), «Гўзал ёзғичлар» (1925), «Билим» (1927), «Бошланғич мактабда она тили», «Луғат ва атамалар» (1924) яратди, фольклор асарларини тўплаб нашр эттирди. «Лапарлар» (1922), «Ашулалар тўплами», «Болалар қўшиқлари» (1934-1935), таржима ва тарғибот ишларида фаол қатнашди (А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Поп ва унинг хизматкори ҳақида эртак» (1937), «Пушкин ижодида халқ адабиёти ва ўзбекча таржима» (1937), Н.А.Некрасовнинг «Танланган шеърлари» (1935). Ва шу йўл билан бу давр бадиий адабиёти ва маърифати, фольклори, таржимончилик ишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Элбек албатта бу ишларга бирдан эришмай, узоқ ва машаққатли ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтади, моддий ва маънавий қийинчиликлар, ижодий изланишлар, мактаб ва маориф, халқ ҳаёти ва тирикчилигидаги ўзгаришларни кузатиш, фольклор ва ёзма адабиётини тўплаш ва нашр этиш ишларида иштирок этади.

Элбек ёшлигиданоқ қишлоқда оғир болалик йилларини кечиради. Туғилган қишлоғи ва Тошкентда кечирган машаққатли кунлари, сарсон-саргардонлик, маърифатга бўлган чанқоқлик ва бу йўлдаги моддий ҳамда маънавий қийинчиликлар бўлажак шоирнинг бутун ҳаёт ва ижод йўлига ҳам таъсир этмай қолмади.

У 1898 йили ҳозирги Тошкент вилоятининг Хумсон қишлоғида камбағал оилада туғилади ва болалик, ёшлик йиллари жуда оғир ўтади. Шоир кейинчалик бу ҳақда эслаб шундай дейди: «1906 йили қишлоқ эски мактабига кириб ўқидим. Бу мактабда 4 йил ўқиб,ўқув-ёзувни ўргандим. Отамнинг мендан бошқа ҳам болалари бўлгани учун, бизни боқолмасди. Мен ёшликдан деҳқончилик ишларига берилдим. 1910-1911 йилларда қийинчилик натижасида бошқа ака-укалар каби мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим.

Тошкентга 1911 йилда биринчи марта келдим, бунда бир кишига қарол бўлиб ишладим. Шу йилда Эски шаҳарнинг Девонбеги маҳалласидаги «Хоний» мактабига ўқишга кирдим. Ўқишга кириш мени кўп севинтирди, лекин моддий ёқдан кўп сиқилганлик анча хафа қиларди. Ҳатто қиш кунлари оёқ яланг қолдим. Ётар ер йўқ. Баъзан ўртоқларнинг уйида, кўпинча мактаб ҳужрасида эски намат орасида ўралиб ётиб қишни ўтказардим».

Бундай узлуксиз қийналишлар унинг асабларини ҳам бўшаштиради ва дарс вақтларида муаллимлар билан бўладиган муаммоларида ҳам келишмовчиликларга олиб келади ва интизомсизликда ноҳақ айбланади, мактабдан ҳайдалади ва баъзан кўчаларда аравалар устида ҳам тунаб юради. Шу қийинчиликларга қарамай, Элбек 1914 йил шаҳардаги «Намуна» мактабига кириб ўқийди. Муаллимлик ҳам қилади, кейинчалик шўролар даврида ўқитувчилар тайёрлов курсларида ҳам ўқийди. Элбек ёшлик йилларида ўз бошидан кечирган қийинчиликларини «Ўтмишим» номли достонида шундай тасвирлайди:

**Қарол бўлиб ишладим,**
**Бир бурдо нон тишладим.**
**Турмушим кун-кун оғир,**
**Бўлди, йиқилди охир.**
**Кекса қари отамни,**
**Мунгли бойқиш онамни,**
**Ўз ҳолига ташладим.**
**Шаҳарга йўл бошладим.**
**Бироқ қорин тўйғизиш**
**Бундан ҳам оғир бўлди.**
**Кимсаларга саргайиб**
**Гулдай юзларим сўлди.**

Унинг бир қатор шеърларида бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган муҳим ғоявий-ахлоқий ҳамда тарбиявий аҳамият касб этиб бораётган экологик масалалар: табиат гўзалликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғ ва тошлар жилваси, унинг инсон ҳаёти ва болалар тарбиясидаги битмас-туганмас шавқ-завқи куйланади. Масалан, «Бизнинг қишлоқ», «Турналар», «Қалдирғоч», «Лолазорда», «Кўклам» ва бошқа шеърлар шулар жумласидандир.

Элбек фақат шеърият, ҳикоячилик соҳасидагина эмас, ўзбек тили ва фольклори бўйича ҳам қалам тебратган маърифат соҳибидир. Бу соҳада у профессор Ғози Олим Юнусов, Ходи Зарипов, Буюк Каримов каби тилшунос, фольклоршунос олимлар билан биргаликда ўзбек халқ тили (диалектлари) ва фольклорини йиғиш ва нашр этиш ишларида, ўзбек фольклори тили ва атамалари луғатини тузишда, имло масалаларининг муҳокама ва мунозараларида ҳам фаол қатнашиб келади. У 1919 йил бошларида Фитрат раҳбарлигида тузилган «Чиғатой гурунги»нинг фаол аъзоларидан бири сифатида иштирок этиб, кейинчалик Шокиржон Раҳимий, Ғози Юнуслар билан бирга ўзбек илмий комиссияси раҳбари ҳам бўлиб ишлайди. Чўлпон, Ғулом Зафарий ва бошқалар билан бирга Фарғонада минглаб халқ мақол ва маталлари, қўшиқ ва лапарлари, этнография материалларини тўплайди. «Ўзбек халқининг изоҳли луғатига материаллар» номли иш ёзди. Ўзбек тилининг мукаммал изоҳли луғатини яратиш учун муҳим манба бўла оладиган «Ўзбек фольклори луғатини» тузишга киришди ва фольклор йиғишнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари ҳақида биринчилардан бўлиб шундай бонг урди:

«Адабий қимматни ўз ичига олган, чуқур маънолари билан кўнгилни ўзига тортадиган матал, эртак, жумбоқ ва лапарларимиз бугун ўз-ўзидан йўқолиб борадир.

Буларнинг кундан-кун йўқолиб кетмоқда эканини кўриб турғон биз ўзбекларнинг албатта жим турмай, буларни тўпламга ва китоб равишда бостириб тарқатишга ҳаракат этмагимиз тегишли эди. Бу кунларда шу тилакни илгари суриб ҳаракат қилгувчи ўзбек билим ҳайъати ва Илмий кенгаши илмий ўринлар бор эсада, бир томондан буларни тўплаш ишига қизиққан кишиларнинг бўлмаслиги, иккинчидан халқ адабиётимизнинг энг юксалган ўринларининг тинчсиз бир ҳолда қолиб турганлиги бу ҳаракатларга тўсиқ бўлиб турмоқда».

Элбек тўнтаришнинг илк кунлариданоқ биринчи кунидан бошлабоқ ўзбек тилининг бойлиги, ранг-баранглиги, манбалари, ишланиши ва қўлланиш йўллари билан муттасил шуғулланиб келди, бу соҳада қатор мақолалар ва қўлланмалар ёзди («Имло ва тил қурултойининг чақирилиши олдидан» (1920), «Ўлка ўзбек имло қурултойи ва унинг қолдирган таъсири». «Турк тилларининг қонунлари тўғрисида» (1922), «Тил дарслиги» (1923), «Тилимиздаги янгиликлар» (1924), «Яна тил, имло масаласи» (1925), «Имломиз устида бир неча сўз» (1927), «Тил — имломиз устида» ва бошқалар).

Лекин афсуски, шунга қарамасдан шоир ва маърифатчи, фольклорчи, таржимон ҳам тилчи Элбек (Машриқ Юнусов) 1937 йилда Сталин шахсига сиғиниш ва қатағон чўққига чиққан даврда ноҳақ миллатчиликда айбланиб қоралана бошлади. Ва у ҳақда ўша давр матбуоти ҳеч қандай далилга асосланмаган ҳолда шўроларга қарши аксилинқилобчилик, миллатчилик айбларини қўйиб шундай деб ёзди: «Фитратнинг энг содиқ шогирди Элбек аксилинқилобчиларнинг қонли лагерида туриб, партияга ва советларга қарши заҳарли шеър, масал, мақолалар ёзди. Аксилинқилобчиларнинг газета, журналлари кўпинча Элбекнинг шеърисиз чиқмас эди. Элбек ўзининг ҳозирги ижоди билан советларга қарши душман тегирмонига фаол равишда сув қуйиб келди». («Элбекнинг ижоди ҳақида», «Ёш ленинчи», 20 август). Бунинг натижасида Элбек ҳам шу даврда ўзининг бир қатор замондош дўстлари Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, О.Хошимов, М.Солиҳов, Ғози Олим Юнусов ва бошқалар қатори бегуноҳ айбланиб, қатағон қурбонларидан бўлди. Ўйлаймизки, Элбекнинг адабий ва илмий мероси, таржимончилик ва фольклор соҳасидаги ишларини тўплаш ва ўрганиш, нашр этиш бугунги миллий мустақиллигимиз даврида адабиётчиларимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

**Шерали ТУРДИЕВ**

# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИМАН

**Беҳзод Ҳошимов 1991 йил, юртимизда истиқлол қуёши порлаган кунда дунёга келди. Янгиланиш, яратиш, изчил ислоҳотлар даврининг болажони Мустақиллик яратган кенг шарт-шароитлар даврида ҳаётга қадам қўйди.**

— Мен Мустақиллик тенгдоши бўлиб дунёга келганимдан фахрланаман, ғурурланаман, — дейди Беҳзод. — Болалигимдан расмлар чизишни, ҳар хил ҳайвонлар шаклини ясашни ёқтирардим. Мактабда менга Наргиза Ғойибназарова устозлик қилдилар. Қизиқишларимни ҳисобга олиб, менга ҳар хил топшириқларни бериб, руҳлантириб турдилар. Уйда эса аям ёрдам берар, ўзлари ҳам турли хил гўзал манзараларни чизардилар. Мен ҳам улардек чизишга ҳаракат қилардим. Туманимизда ўтказиладиган «Гўзаллик — оламни асрайди» танловларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаганман. Аям менинг келажакда етук рассом бўлишимни ният қилиб исмимни Беҳзод қўйган эканлар. Бугунги кунда Чилонзор туманидаги 164-мактабнинг 8-синф ўқувчисиман. Спортнинг бокс турига ҳам қатнашаман. Шеърлар ҳам ёзиб тураман. Истиқлол фарзанди эканлигимдан, биз учун барча шарт-шароитлар яратилганлигидан беҳад мамнунман.

Беҳзоднинг устозлари, ўртоқлари, севган машғулоти бор. У ўқишдан, ўрганишдан, китобларни мутолаа қилишдан, расм чизишдан асло чарчамайди: барча янгиликлардан бохабар бўлишга интилади.

— Фарзандларимизга, юртимизда яратилаётган барча қулайликлар, енгил шароиту билим олиш йўлидаги имтиёзлар кўнглини кўтариб, эртамизга катта ишонч уйғотади, — дейди Беҳзоднинг онаси, тарих фанлари номзоди Барно Ҳамроқулова. — Ўғлимнинг келажакда етук инсон бўлиб вояга етиши, Истиқлолимизни



мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишини хоҳлайман. Мустақиллик қуёши ҳамиша осмонимиз узра чарақлаб турсин.

**Хонбиби МАҲАМОВА**

*Иқтисодиёт*

## МАРМАР ПЛИТКАЛАР

**Бунёд этилаётган иншоотларнинг чиройли ва кўркамлигини таъминлашда мармар маҳсулотларидан кенг фойдаланилади. Бу борада ана шундай сифатли қурилиш ашёси-мармар плиткалар ишлаб чиқараётган “Инвест-тош” масъулияти чекланган жамияти муносиб ҳисса қўшмоқда.**

Шуниси эътиборлики, корхона маҳсулотларига нафақат юртимиз қурилиш майдонларида, балки қўшни давлатларда ҳам талаб катта. Жорий йилда тадбиркорлар Россия, Қозоғистон давлатларининг катта ҳажмдаги буюртмаларини ҳам бажаришмоқда. Оддий харсангларни замонавий линиялар орқали қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган мармар маҳсулотлари тури бугунги кунда 40 хилдан ортиб кетди. Уларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга жорий этишда бугунги талаб атрофлича ўрганилади ва ижодий изланишлар олиб борилади.

Корхона цехларининг жорий йил бошида капитал таъмирдан чиқарилганлиги ишчи-хизматчиларга баракали меҳнат қилиш ҳамда кўнгилли дам олиш шароитларини яратди. Шунингдек, жорий йил якунига қадар янги линия олиб келишга саъй-ҳаракат қилинмоқда. Бу, албатта ишлаб чиқариш суръати ортишига, маҳсулот турлари янада кўпайишига замин яратади. Шунинг баробарида янги ишчи ўринлари ҳам яратилади.

— Жорий йилда 30 минг квадрат метр мармар плитка ҳамда кўплаб бошқа турдаги мармар маҳсулотлари тайёрлашни режа қилганмиз, — дейди корхона раҳбари Равшан Тўлаганов. — Асосий буюртмачиларимиз “12-трест”, “4-трест” акциядорлик жамиятлари саналиб, улар пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Мақсадимиз уларни сифатли ва кўркам маҳсулотлари билан ўз вақтида таъминлаштир.

## ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

**“EAST-KOLOR” масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига эндигина икки йил бўлсада, шу давр мобайнида корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми 4-5 баробарга ортди.**

Бунинг асосий боиси эса бозорни ўрганиш, маркетинг ишларини фаоллаштириш, сифатга алоҳида эътибор қаратишдир. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган корхона тадбиркорлари ўтган йилда 400 миллион сўмлик лак-бўёқ маҳсулотлари тайёрлаган бўлса, жорий йилда ушбу рақам 700 миллион сўмдан зиёдни ташкил этади. “Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамияти корхонанинг асосий буюртмачилари сирасига кириб, улар билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Буюртмаларнинг ортиши эса қўшимча ишчи ўринлари яратишга асос бўлмоқда.

Корхонада тайёрланиб, замон талаби асосида қадоқланаётган лак-бўёқ маҳсулотлари Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилинмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

# МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

## ҚУТЛУҒ ТАШРИФЛАР

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

**Ўз вақтида Тошкентга Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам назари тушган эди, бу кутлуғ назардан шаҳримизга наф етганди. Истиқлол йилларида Тошкентимиз яна бир шарофатли назарга сазовор бўлди. Бу — Президент Ислом Каримовнинг кутлуғ нигоҳидир, десак чин ҳақиқатни айтган бўламиз.**

Дарҳақиқат, пойтахтимиз Истиқлол йилларида Ислом Каримовнинг ташаббуси ва давлат бошлиғи сифатидаги муттасил эътибори, жонкуярлиги, саъй-ҳаракати туфайли улкан қурилиш майдонига айланди, қайта чирой очди ва дунёдаги энг кўркам ва замонавий шаҳарлардан бирига айланиб бормоқда.

Пойтахт қиёфаси – миллат қиёфаси, дейдилар. Қайси бир давлатга борманг, унинг пойтахтига қараб, ўша давлатнинг туб миллати маданиятига, куч-қудратига, бутун мамлакатнинг умумий қиёфасига баҳо берасиз. Пойтахтдан олинган таассурот бутун мамлакатга тегишли бўлиб туюлади. Амалда ҳам шундайдир. Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида салтанати пойтахти бўлмиш Самарқандни дунёдаги энг гўзал, обод ва фаровон шаҳарга айлантириш учун жон куйдиргани бежиз эмас. Ёки бўлмаса, Абдуллахон II XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода кўплаб жамоат бинолари ва иншоотлар бунёд эттиргани ҳам давлатининг куч-қудратини намойиш қилиш ва янада оширишга қаратилган тадбирлардан эди. Бинобарин, буюк иморатлар давлатга салобат бағишлайди, қурувчи ва меъморлар эса давлатнинг салобатини яратади.

Кейинги олти асрлик давлатчилигимиз тарихида Амир Темур, темурийлардан Шоҳрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва шайбонийлардан Абдуллахон II замонларидан сўнг, бутун мамлакатда ва пойтахтда ҳозирги Истиқлол давридагидек бунёдкорлик ишлари олиб борилмаган эди, десак тарихий ҳақиқатни айтган бўламиз.

Янги-янги қурилишлар бобида Тошкент республикамизнинг барча шаҳарлари учун ўрнак бўлмоқда. Чунки у барчамиз учун баббаравар тегишли бўлмиш пойтахтимиздир. Пойтахтлик мақоми унга ўзгача ёндошишни тақозо этади. Деҳли дейилганда бутун Ҳиндистон кўз олдимизга келади. Лондон деганда Англияни тушунамиз. Париж деганда Франция намоён бўлади. Президентимиз жонкуярлиги самараси ўлароқ, эндиликда Тошкент деганда бутун Ўзбекистон ҳақида таассурот олинадиган даражага етиб бормоқдамиз. Бу фикримизнинг тасдиғи ўлароқ, пойтахтимиз кўчалари ҳақида ҳикоя сўзлаймиз, хаёлан бирга сайру саёҳат қиламиз. Зеро, фалончи шаҳарни кўрганман, фалончи шаҳарда бўлганман, дейилганда, шу шаҳарларнинг кўчаларидан олинган таассуротлар назарда тутилади. Кўчаларига қараб, шаҳарга баҳо берилади. Кўчалар кенг бўлса, шаҳар улкан бўлиб туюлади, чароғон бўлса, йўловчи кўнглида қуёш чарақлайди, дили равшан тортади, хотири жам бўлиб, бемалол сайру саёҳат қилаверади.

Тошкент кўчалари – тунларда ҳам кундуздайин чароғон, омонлик-эсонлик, хотиржамлик манбаи, ҳаловатли ва озода кўчалардир.

Тошкент кўчаларини унинг катта-кичик қон томирларига қиёс этса бўлади. Ҳар бирининг ўз ўрни, ўз вазифаси ва албатта, ўз аҳамияти бор, улар одамлар учун хизмат этади. Йўловчилар эса турли-туман – ёшу қари, бирлари пиёда, бирлари транспортда. Киши мақсадсиз остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Ҳаммани ўз ташвиши кўчага отлантиради. Кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилади, яна кимдир кўча айланиб, ҳордиқ чиқаради. Кўчалар – дахлсиз, умумхалқ мулки – барчага баб-баравар хизмат қилаверади.

Шу ўринда бир ҳаётий лавҳани келтирамиз. У ҳам бўлса, Юртбошимизнинг юртимиз юраги бўлмиш пойтахтимизга нисбатан муттасил эътибори ҳақидадир.

2004 йилнинг 10 декабри икки минг йиллик тарихга эга Тошкент учун тарихий кунлардан бири бўлиб қолди. Шу куни Президент Ислом Каримов пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган янги қурилиш ва иншоотлар, жумладан, шаҳарнинг Эски Жўва майдонида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишди. Бу ҳақда республика оммавий ахборот воситаларида кенг маълумот берилди.

Маълумки, Тошкентнинг қадим тарихга, ўзига хос қиёфага эга бўлган, аҳоли зич яшайдиган Эски шаҳар қисми доимо давлатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келади. Айниқса, мустақиллик йилларида бу жойларни ободонлаштириш, унга замонавий кўрк ва чирой бахш этиш, эски тузум даврида ечилмай келган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кўп ишлар қилинди.

Хусусан, даставвал Сағбон, Қорасарой, Чимбой, Ғафур Ғулом, Форобий каби эгри-бугри, тор кўчалар кенгайтирилиб, равон магистрал йўллар барпо этилди. 167 гектардан ошиқ ҳудуд кўкаламзорлаштирилди. Қарийиб етмишта маҳалла гузари, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим масканлари, маданий-маиший иншоотлар қуриб, ишга туширилди.

Бугунги кунда ушбу даҳанинг маркази бўлмиш Эски Жўва майдони ва унинг атрофидаги ҳудудларни замонавий асосда тубдан реконструкция қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз бу ишлар билан танишар экан, аввало, Эски шаҳарнинг шарқона қиёфасини сақлаб, уни ҳозирги замон шаҳарсозлик талаб ва тамойиллари билан уйғунлаштириш масаласига эътибор қаратди.

"Тошкентни Тошкент қиладиган, унга файзу тароват бағишлайдиган қадимий шаҳримизнинг даҳалари, маҳаллалари, дарвозалари, десак хато бўлмайди. Эски шаҳар – қадимийлик ва миллийлик тимсолидир, – дейди Ислом Каримов. – Лекин, бу ердаги мавжуд бугунги ҳолат бизни қониқтирмайди.

Эски шаҳар ҳудуди шаҳримизнинг бошқа туман ва мавзелари қатори энг кўркам ва замонавий қиёфа касб этиши учун барча куч-имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим".

Бугун Эски Жўва майдонига қадам қўйган киши бу ерда ана шу мақсад йўлида катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади. Хусусан, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Зарқайнар ва Сағбон кўчалари бошланадиган ҳудудни, Эски Жўва бозорини тартибга келтириш, бу ерда кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва тавсияларини билдирди.

Жумладан, транспорт қатновини яхшилаш учун автомобиль йўлларини янада кенгайтириш, ён-атрофда яшил майдон ва гулзорлар барпо этиш, жазирама иссиқдан сақлайдиган дарахтлар ўтказиш, бу жойларнинг паст-баланд ерлардан иборат эканини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида меъморий ёндашув ва ечимлар топиш зарурлигини таъкидлади.

Айниқса, бозорга келадиган аҳоли учун ҳар томонлама қулайлик яратиш, Эски Жўва майдонида транспорт оқимини бошқариш ишларини оқилона йўлга қўйиш лозимлигини уқтирди.

Кейинги йилларда Эски Жўва бозорини кенгайтириш ва тартибга келтириш мақсадида бирмунча ишлар қилинди. Лекин, уларни ҳали талаб даражасида деб бўлмайди. Шу сабабдан Юртбошимиз бу масалани жиддий қайта кўриб чиқиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу борада ёғингарчилик пайтида бозор ҳудудига қор-ёмғир сувларининг оқиб тушиши оқибатида юзага келадиган антисанитария ҳолатларига барҳам бериш, савдо ва овқатланиш шохобчалари ишини замонавий асосда ташкил этиш, бир қатор биноларнинг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Бу ерда амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳажмини ҳисобга олиб, Юртбошимиз мутасадди раҳбарларга Эски Жўва ҳудудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

***

Маълумки, ҳар бир давлатнинг тарихидан муносиб ўрин олган анъаналари, миллий қадриятлари билан биргаликда, машҳур меъморий обида ва ёдгорликлари, маъмурий бинолари ҳамда бош майдонлари бўлади.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони ҳам ана шундай тарихий аҳамиятга эга маскандир.

Истиқлолимизнинг биринчи кунларидан эътиборан Президентимиз раҳбарлигида кўплаб тарихий, сиёсий, ижтимоий воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу майдонга янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг қиёфасини тубдан янгилаш бўйича кўп ишлар қилингани жамоатчилигимизга яхши маълум.











Ҳозирги кунда ана шу ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ҳақда тўхталар экан, Мустақиллик майдонини реконструкция қилишда яхлит меъморий ва ғоявий ечим асосида ёндошиш зарурлигини уқтирди.

Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида бунёд этилган Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлмиш Сенат биноси фойдаланишга топширилди.

Сенат биноси ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ифода этади, халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади. Кўплаб ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бу майдон, ундаги Сенат биноси юртимизнинг узоқ-яқин шаҳар-қишлоқларидан пойтахтимизга келган юртдошларимиз учун зиёратгоҳ бўлмоқда. Бу ерга қадам қўйган одам истиқлолимиз руҳини, эркинлик нафасини янада теран ҳис этмоқда.

Бош майдонимизда, Анҳор соҳилида амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишлари ҳам ана шу мақсадга қаратилмоқда, яъни одамларнинг ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонини реконструкция қилиш, бу ердаги 19 қаватли маъмурий бинони майдоннинг умумий меъморий қиёфаси билан мутаносиб ҳолга келтириш, майдоннинг рамзий дарвозасини яратиш, бу ишларда замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарининг уйғунлигига, қурилиш ва безак материалларининг сифатига жиддий ёндашиш зарурлигина алоҳида таъкидлади.

Бутун юртимиздаги каби азим пойтахтимиз Тошкентда олиб борилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос тимсоли бўлиб, ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Биз ким, ўзбекларнинг бошқа халқларга ўхшаш жиҳатларимиз нималардан иборату, фарқларимиз нималарда кўринади? Муштараклигимиз шуки, бошқа халқлар каби бизлар ҳам шу она-сайёрамиз – Ернинг фарзандларимиз, тупроғимиз шу заминдан олинган, зуваламиз шу тупроқдан қорилган.

Маълумки, Ер юзида қанча халқу элат бўлса, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Халқимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – она-заминга қаттиқ боғлиқдир, ҳудабеҳудага у жойдан бу жойга кўчиб кетавермаймиз, бир парча ерни ҳам қаровсиз қолдирмаймиз, обод қилиб, боғ-роғ яратиб, яъни туп қўйиб, палак ёзиб, муқим яшашга одатланганмиз. Муҳтарам Юртбошимиз халқимизнинг бу фазилатини шундай таърифлаганлар: «Ўзбеклар ерни худди нондек эъзозлайди, бир парчагина ерни ҳам қаровсиз қолдиришни гуноҳи азим деб билади, чунки ер – ноз-неъмат манбаи».

Биз ким, ўзбекларнинг бошқалардан яна бир фарқимиз шуки, ўзбек маҳаллаларида қоровул бўлгану, фаррош бўлмаган. Озодагарчилик ва ободончилик учун ҳамма масъул. Юртбошимизнинг 1998 йилда чоп этилган «Инсон бахт учун туғилади» деган китобида шундай ҳикматли сўз бор: «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил».

Бу ибора замирида чуқур маъно бор. Жамоа туйғуси бўлмаган халқда сахийлик ҳам бўлмайди. Вақти-вақти билан ҳашар ўтказиб туришимизнинг негизида ҳам халқимиздаги наслий сахийлик фазилати ётади. Ҳашарда ҳеч бир таъма, ҳеч қандай ғараз йўқ. Унда жамоа манфаати устувордир.

Шоҳиди бўлиб турибмиз, мустақиллик йилларида мамлакатимиз, шу жумладан, пойтахтимиз Тошкент улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди. Истиқлол туфайли халқимиз қалбидаги яратувчанлик булоғи кўз очди. Халқимизнинг ҳар йили Наврўз айёми арафасида юртимизнинг барча жойларини саранжом-саришталаш, кенг миқёсда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳашар уюштириши замирида ҳам ана шундай яратувчанлик нияти ётади. Бу галги ҳашарда ҳам халқимизнинг жамоа туйғусига мойиллиги ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Яна бир ҳаётий лавҳа. 2005 йилнинг 19 марти Тошкент ва тошкентликлар учун, умуман, бутун Ўзбекистон халқи учун яна бир тарихий кун бўлди. Мамлакатимиз бўйича умумхалқ ҳашари ўтказилган шу куни Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди. Юртбошимиз даставвал Бешоғоч (шундай ёзилиши ва аталиши мантиқан тўғри, халқимиз гуркираб ўсиб, осмонга бўй чўзиб турган дарахтни оғоч дейди, қуриб қолиб ёқилғи – ўтин ўрнида ишлатиладиган, кесилиб, иморат қуришда фойдаланиладиган дарахтни ёғоч дейди) майдонида бўлди.

Бешоғоч майдони азалдан салқин, баҳаво жой бўлган. Кейинги йилларда пойтахтимизнинг бошқа ҳудудлари қатори бу ернинг қиёфасини тубдан янгилаш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилмоқда.

Мамлакатимизнинг раҳбари майдоннинг янги манзараси тархи билан танишди. Унинг атрофидаги бино ва иншоотлар, анҳор ва ариқлар, кўприк ва йўллар, дарахтзор ва гулзорлар ўзаро яхлитлик, уйғунлик касб этиши муҳим эканига эътибор қаратди.

Пойтахтимизнинг ҳар бир майдони ўзининг алоҳида меъморий ечими, ранг-безаги ва кўринишига эга бўлиши керак, деди Президентимиз. Шу маънода, Бешоғоч майдони Ҳадра, Эски Жўва ёки шаҳарнинг бошқа майдонларидан ажралиб турадиган ўзига хос манзара касб этиши лозим. Майдон ҳусн-чиройини очишда ҳар бир деталга алоҳида эътибор бериш, дид ва нафосат билан ёндашмоқ зарур.

Атрофдаги кўприклар ҳам санъат асари даражасида бўлиши даркор. Ҳар бир бино безагию бўёғигача майдоннинг яхлит жамолини очишга хизмат қилмоғи керак.

Шаҳарни, унинг ҳар бир майдонини бу тахлит безатишдан мақсадимиз пойтахт аҳли ва меҳмонлар, айниқса, ёшларимизнинг баҳри дили очилиб, ҳордиқ чиқаришига қаратилган, дейди Юртбошимиз. Шундай экан, пойтахтимизнинг келгусида қандай тароват касб этишини белгилашда ҳамшаҳарларимизнинг хоҳиш-истагига кўпроқ таяниш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари Бешоғоч майдонига туташ Ўзбекистон Миллий боғида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Мазкур боғнинг умумий майдони 112 гектарни ташкил этади. Унинг қоқ ўртасидаги кўл доираси 2200 метрдан иборат.

Илгари кўлни тўлдириш механизми пухта ишлаб чиқилмагани туфайли суви лойқа бўларди. Энди бу борадаги вазият тубдан ўзгармоқда.

Ислом Каримов кўлни тўлдириш ишларининг режаси билан танишиб, мутахассисларга тегишли тавсия ва топшириқлар берди.

Юртбошимиз Миллий боғни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ ишларни чуқур таҳлил қилар экан, бир неча амалий таклифларни ўртага ташлади. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳузурида Миллий боғдаги ҳар бир дарахт, бута ва гулнинг парвариши учун масъул алоҳида департамент ташкил этиш лозим. Ушбу тузилма вакилларида боққа нисбатан ўз ҳовлисида ишлагандек муносабатни шакллантириш керак. Дунё тажрибаси бундай ёндашув ўзини тўла оқлашини кўрсатмоқда.

Боғни тўла шакллантиришнинг беш йиллик режасини тузиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Қаерда қандай дарахт ва гул экилади, қайси жойда қандай чаманзор ва аллея барпо этилади – ҳаммаси ана шу режада ўз аксини топиши зарур. Наинки қандай кўчат ўтказиш, балки уни қачон экиш ҳам муҳимдир. Довдарахт уйғонмасидан, унинг кушандаси – қурт-қумурсқалар ҳам уйқуда пайтда кўчат экиш ва пухта парваришлаш бобидаги ота-боболаримиз тажрибасини унутмайлик, аксинча, унга амал қилайлик.

Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудида бунёд этилаётган бир қатор қурилиш объектлари билан танишди.

Бу ерда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган улкан бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда.

Эски шаҳарда амалга оширилаётган ишлар шу даҳа аҳолисининг оғирини енгил қилишга, муносиб турмуш шароити яратиш ва ободонлаштиришга қаратилганини Президентимиз алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, қисқа муддатда лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, транспортчилар ва бошқа касб эгаларининг ҳамкорлигида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Тор кўчалар ўрнига кенг, равон йўллар, кўприклар, аҳолига замонавий хизмат кўрсатадиган ижтимоий объектлар барпо этилди, тегишли коммуникация тармоқлари ўтказилди.

Хусусан, «Сағбонтекстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, замонавий поликлиника, ёшларни интеллектуал ривожлантириш «Истеъдод» маркази, спорт мажмуаси, Форобий кўчасидаги оилавий шифохона каби маданий ва маиший хизмат шохобчалари, таълим-тарбия муассасалари мазкур ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Юртбошимиз Эски шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди. Бу ердаги майдондан оқилона фойдаланиш кераклигини уқтирди. Аввало, қўшимча боғ ва майдонлар, фавворалар барпо этиш лозим, қурилажак фавворалар Эски шаҳар руҳига мос тушиши лозим. Сотувчилар ва харидорларга янада кенгроқ қулайлик яратиш мақсадида Эски Жўва бозорида қўшимча савдо павильонлари, бошқа муҳим объектлар қуриш зарурлиги уқтирилди.

Ислом Каримов барпо этиладиган бинолар кўриниши, ранги, безатилиши пойтахтимизнинг яхлит қиёфасига мос бўлиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Бунёд этилиши режалаштирилаётган моделлар уйи, болалар ижодиёти маркази, бутун шаҳарни баландликдан томоша қилиш имконини берадиган майдонча лойиҳаси қурилишига оид маслаҳат ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий номидаги боғда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирар экан, ушбу масканни Эски шаҳар ҳудудида истиқомат қиладиган аҳолининг, айниқса, болаларнинг энг севимли гўшаларидан бирига айлантириш лозимлигини қайд этди. Бу боғ ўтмишда Жанггоҳ деб аталган. Бундай аталишига сабаб шуки, бу ерда халқ сайиллари ўтказилган, сайилларда эса қўчқор уриштириш, хўроз уриштириш, кураш мусобақалари, дорбозлар, қизиқчилар, кўзбойлағичлар, сеҳргарлар, қўғирчоқбозлар, аскиячилар, ҳофизлар ва воизларнинг чиқишлари бўлган. Ўтган асрнинг ўрталарида ҳам Жанггоҳ анча обод бўлиб, унинг ҳудудида ўнлаб чойхоналар, ошхоналар, биллиардхоналар, ёзги концерт зали, кураш майдони, ёзги кинотеатр, Академик театрнинг ёзги биноси, каттагина кўл бор эди. Президентимиз эндиликда Абдулла Қодирий номи билан аталувчи бу ҳордиқ ва маданият масканини янада ободонлаштириб, халққа топшириш зарурлигини таъкидлади. Ҳа, айтгандай, севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг бобомерос шаҳар ҳовлиси Жанггоҳнинг шимоли-шарқий тарафида бўлиб, у кишининг киндик қони шу ерга тўкилган. Бу билан айтмоқчимизки, мазкур боғнинг истиқлол шарофати билан яна халқининг бағрига қайтган ва эъзоз топган Абдулла Қодирий номи билан аталиши бежиз эмас, албатта.

Муҳтарам Юртбошимизнинг Эски шаҳарнинг тарихий ва қадимий ҳудудларидан бўлмиш Бешоғоч ва Эски Жўвага бу галги ташрифи ҳам кутлуғ келди. Буни ўша куни ташриф давомида ёқимли кўклам шамоли эсиб туришидан илғаб олиш мумкин. Зеро, тинчлик ва тараққиёт йўлидан дадил ва жадал бораётган мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз етакчилигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари Аллоҳ таолога ҳам, унинг бандаларига ҳам манзур бўлғусидир, иншооллоҳ!

Мамнуният билан таъкидлаймизки, Юртбошимизнинг Эски шаҳарга қилган бу галги ташрифи биз, қалам аҳли учун қувонарли бўлди. Президентимиз қалам аҳлини олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ҳақида ёзишга даъват қилди. Ушбу сатрлар мазкур чорлов шарофати билан ёзилди.

***

Тошкентнинг Мустақиллик майдони Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун азиз ва мўътабардир. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизнинг бош майдони бўлмиш бу ерда халқимизнинг асрий урф-одатлари, маданияти, қадриятлари ва миллий меъморчилик анъаналари тобора теранроқ акс этмоқда. Юртбошимиз раҳбарлигида Мустақиллик майдони кўркам масканга, яхлит ва мукаммал меъморий ансамблга айланиб бормоқда.

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг пойтахтимиз билан яқиндан танишувлари — кутлуғ ташрифлар бўлмоқда. 2005 йил 15 апрелдаги ташриф янада самарали бўлди. Мустақиллик майдонига туташ «Технолог» ишлаб чиқариш корхонасининг кўпол биноси гўзал майдон ҳуснига доғ бўлиб турган эди. Юртбошимизнинг ташаббуси ва кўрсатмасига биноан бу корхона бошқа жойга кўчирилиб, унинг ўрни ободонлаштирилди ва бош майдонимиз унинг ҳисобига янада кенгайди.

– Тошкентнинг бош майдонида ишлаб чиқариш корхонаси қурилганлиги эски замонда чуқур ўйланмай қилинган ишларнинг яққол намуналаридан бири эди, – деди Юртбошимиз. – Пойтахтимизни дунёнинг энг гўзал шаҳарларига хос тарзда қайта бунёд этишимиз керак. Унда ҳамшаҳарларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари яшаши ва ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилмоғи даркор.

Юртбошимизнинг бу галги кутлуғ ташрифи шарофати билан Пойтахтимизнинг Шароф Рашидов, Шевченко, Мовароуннаҳр кўчалари кесишадиган қисмлари ободонлаштирилди. Хусусан, «Ўзбекистон» ва Шароф Рашидов кўчалари туташган чорраҳадан транспортнинг тўхтамай ўтиши таъминланди, бу ерга яқин жойлашган корхона бошқа жойга кўчирилиб, унинг биноси олиб ташланди, ўрни ободонлаштирилди. Натижада «Ўзбекистон» кўчаси равон бўлди, Мустақиллик майдонининг кўркига кўрк қўшилди, салобати юксалди.

Шимолий вокзалга олиб борадиган Шевченко кўчаси ва йўл ёқасидаги хиёбонлар кенгайтирилди.

Марказий универсал магазини билан «Мовий гумбазлар» чойхонаси ўртасидаги кўча тор, сершовқин эди. Эндиликда бу кўча ўрнида ёнидаги хиёбонга қўшилиб кетган яхлит боғ барпо этилди. Бу ер ҳам ҳамшаҳарларимизнинг севимли масканларидан бирига айланиб қолди.

Президентимиз ташрифи давомида мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга янги сайилгоҳда, кўчаларда ва хиёбонларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида зарур кўрсатма ва топшириқлар берди. Пойтахтимиз кундан-кунга янада чирой очиб бормоқда. Булар Юртбошимиз раҳбарлигида шаҳар қиёфасини давр талабларига тўла жавоб берадиган даражада янгилаш, уни дунёнинг энг гўзал ва замонавий шаҳарларидан бирига айлантиришдек эзгу ишларнинг самарасидир.





# “МИР-УЛУҒБЕК”

хусусий фирмаси бунёдкорлари
азиз ватандошларимизни
мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги
билан чин юракдан самимий табриклайди.
Барчангизни юксак қадриятларимиз
саналмиш — меҳр-оқибат тарк этмасин!
Яратувчанлик ишларингизда омад
ва зафарлар ёр бўлсин. Оилангиз тинч,
соғлиғингиз мустаҳкам бўлсин,
эзгу ниятларингиз ҳамиша амалга ошсин!





# Истиқлол мушоираси

## ВАТАННИ АНГЛАШ

Шабнам-шабнам тонгларда
жайронларга айланган,
Онанг сувлар сепганда
Райҳонларга айланган,
Бир кечада соғинчинг
осмонларга айланган,
Соғинчларингдай зангор
Осмонлари Ватандир.

Дерлар ҳусну малоҳат
Вафо қилмас, арир у.
Сен ёр десанг, тушдаги
Лайлоларга арзир у,
Ҳарирдан ҳам ҳарирy
паридан ҳам парирў,
Сойларга соя солган
Мужгонлари Ватандир.

Бешикларда ўйнаган
Оппоқ-оппоқ қўлчалар,
Кўзмунчоққа сўйлаган
Кўзмунчоқдай кўзчалар,
Очилган гул-ғунчалар,
қанду асал кулчалар,
Момоларнинг тўй қилган
Айвонлари Ватандир.
Отанг солган уйлар бу—
Синчлари—бардошларга,
Токлари ўхшаб кетар
Мўйсафид элдошларга,
Томлар узра чўзилиб
Кўклар, ой, қуёшларга
Узум узатиб турган
Нарвонлари Ватандир.

Бир йигитга оламда
ҳам ёру ҳам ор керак,
Номуси баланд эрга
На сўз, на гуфтор керак,
Фарзандлари улғайса
Шерюрак, арслонюрак,
Элнинг ҳар они, давру
Давронлари Ватандир.

Оллоҳ ўзи буғдойинг—
Тиллоларга еткизгай,
Қабоғингнинг остидан
балоларни кеткизгай.
Оқсароюю Кўксарой
Дунёларга еткизгай,
Ор-номусдан яралган
қўрғонлари Ватандир.

## ҚИЗАЛОҚЛАРГА

Қуёш ҳар тонг нурга белар
Айвонингиз, кўчангизни.
Унинг ўзи ёпиб берар
Иссиққина кулчангизни.

Сиз— ҳаётнинг юзидаги
Кулгичлару хандаларсиз.
Бировингиз капалагу
Бировингиз ҳандалаксиз.

Айланади вижир-вижир,
Қалдирғочлар бошингиздан.
Қанотларин олган улар
Сизнинг кўзу қошингиздан.

Сиз билан бу меҳр боғи
Сўлимас ҳеч, ҳаёт бўлар.
Тириклик ҳам бутун умр
Асал бўлар, новвот бўлар.

Умрларнинг баҳорида
Ғунчаларсиз, гулчаларсиз.
Бунчалар ҳам ширин ҳаёт,
Ширингина кулчаларсиз.

***

Мен кўнглимни гулга бердим,
Гулнинг новдасига қийин.
Майин ичдим, болин сўрдим,
Ишқнинг бодасига қийин.

Ёр зулфини дом билган у,
Доим ажиб ҳол бирлан у,
Бўйнидаги хол бирлан у
Маржон шодасига қийин.

Ошиқ деган ташна кетар,
Ғамгин назар ташлаб кетар,
Муғомбирлар яшнаб кетар,
Бари соддасига қийин.

Қилмайин юз-хотирини,
Кўролмаса бир-бирини...
Ўйлайвериб тақдирини,
Юртнинг отасига қийин.

Ватан — юксак номус — ордир,
Кимлар учун у рўзғордир.
Гарчи Темурлари бордир,
Темурзодасига қийин.

## ИНСОН

Бир қўлда қуролу
Бир қўлда Қуръон,
Сен қандай манзилга кеб қолдинг, инсон?
Қасри бунёдингни барбод айласанг,
Билиб бўлмаса гар—
Қайсинг мусулмон.

Бир қўлда қуролу
Бир қўлда Инжил,
О, инсон,
Энг аввал ҳаддингни билгил!
Бир—биринг айласанг гар хонавайрон,
Билиб бўлмаса гар—
Қайсинг носарон.

Лекин жаҳолатнинг миллати бўлмас,
Разолатнинг дину элати бўлмас.
Буни тан олгайдир Ҳилол, Хочинг ҳам,
Сўра, йиғлаб айтар тўқу очинг ҳам.

Сени яратганда қудрату кучин
Кўрсатиб, Яратган кўп карам қилган.
Унутма,
Энг эзгу амаллар учун
Сени Ер юзида мукаррам қилган.

## ТЎРТЛИКЛАР

Ҳар кун— умримизнинг бир сафаридир,
Ҳар он — кунимизнинг бир гавҳаридир.
Тинчлик, омонликда отган ҳар бир тонг
Оллоҳнинг бизларга хушхабаридир.

***

Кўринган тоғларинг қояларидир.
Ул ота-бобомнинг сояларидир.
Осмонга интилган баланд чўққилар
Эрк дея юксалган ғояларидир.

***

Кўриб душманларинг куйиб сил бўлгай,
Эҳ-ҳе, ёзаверсам қанча йил тўлгай.
Ватан, бир дилимни гиёҳларингга
Бўлиб чиқсам, эҳ-ҳе, қанча дил бўлгай!

Сирожиддин САЙЙИД

## КЎЗ ТЕГМАСИН

Эй, гўзал юртим муборак шонли Истиқлол сенга,
Ярқираб, тақдир қўли бахш айлаган иқбол сенга;

Шўх наво, шодлик билан оламга кўрсат ўзлигинг,
Токи юлдузли самолар боқса боқсин лол сенга.

Бир улуғ халқ сеники, тоғдек қудратинг, кўксинг баланд,
Боғларингким, кеча-кундуз етказурлар бол сенга.

Янгра карнай, янгра сурнай, сайрагин олтин рубоб,
Токи аждодлар руҳи очсин нурафшон фол сенга.

Келди дўстлар, келди қардошлар муборакбод этиб,
Ушбу олий издиҳомлардир бугун тимсол сенга.

Чеҳраларда лолагул офтоб жамоли жилвагар,
Байроғингда ою юлдузлар бўлубдур хол сенга.

Икки дарё— икки кокил, мавж урар водийларинг,
Тегмасин кўркингга кўз, юз бурмасин дажжол сенга.

Ҳайрату фахр ичра мадҳингни қилурмиз, эй Ватан,
Ҳар нигоҳда меҳримиз изҳор этиб яққол сенга.

Дўстлигу тинчлик билан оламга машҳурсан ўзинг,
Эй, гўзал юртим, муборак шонли Истиқлол сенга.

## ОЛЛОҲ НАЗАР СОЛГАН ДИЁР

Мустақил ўзбек элим, норғул ёшингдан ўргилай,
Нури истиқлол аро бахтли бошингдан ўргилай,

Боғу бўстонлик чиройингдан жаҳон ҳайратдадир,
Олтину гавҳар мисол ҳар бир тошингдан ўргилай,

Бошинг узра, эй диёр, тўққиз фалак парвонадир,
Қадди-қомат, нурли сиймо, кўзу-қошингдан ўргилай.

Неча асру неча юз йилларга юз очдинг бугун,
Кипригингда қалққан ул шодлик ёшингдан ўргилай.

Олам ичра мўътабар, Оллоҳ назар солган диёр,
Ўзбекистон, мустақил норғул ёшингдан ўргилай.

## ЎЗБЕКИСТОНИМ— ОНАМ

Ўзбекистон— офтоб зар, тожи кошонам ўзинг,
Саждагоҳу гулшану озода остонам ўзинг.

Одамийлик фанларин бағрингда ўргандик, Ватан,
Яхшиликдан, эзгуликдан мангу дарсхонам ўзинг.
Кўнглим ичра минг жаҳон шодликларин жам айладинг,
Ярқираб турган жавоҳир— лаълу дурдонам ўзинг.

Сен бировдан кам эмассан, паҳлавон, шавкатли халқ,
Ҳеч қачон кам бўлмагайсан, бахтга парвонам ўзинг.

Навқирон ёшинг муборак, олға интилган диёр,
Фахримизсан, бепоён, машҳуру мардонам ўзинг.

Биз учун меҳру мурувват, эрку иқболсан мудом,
Бағрида дунё яратган бахтиёр онам ўзинг.

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

**Азиз юртдошлар, порлоқ келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш шаҳримиз ёшлари!**

**Энг азиз ва қутлуғ шодиёна — кўнгилларга қувонч ва ғурур бахш этувчи**

# Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами билан

**барчангизни эзгу тилаклар ила қутлаймиз. Ўқиш ва ишларингизда, оилавий ҳаётингизда доимо бахт ва омад ёр бўлсин. Билим ва фан чўққиларини забт этишда юксак муваффақиятлар тилаймиз.**



**Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси**


## АВГУСТ КЕНГАШИ ЯКУНЛАНДИ

**Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасаррувидаги қурилиш ва коммунал тайёрлов йўналишлари ўқув юртларининг раҳбарлари, халқ таълими ходимлари иштирок этди.**

Анжуманда сўзга чиққанлар қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежларининг ўтган ўқув йилидаги иш якунлари ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича янги ўқув йилида алоқа ва радиотехника тайёрлов йўналишларидаги илм муассасалари олдига қўйилаётган долзарб вазифалар хусусида тўхталди.

Ҳозир Тошкент шаҳрида 24 та академик лицей ва 86 та касб-ҳунар коллежи ёшларга билим бермоқда. Ҳукуматимиз томонидан уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи-мураббийларнинг малакасини ошириш, янги таълим технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу илм даргоҳларини битириб чиққан минглаб йигит-қизлар ҳозир турли соҳаларда хизмат қиляпти.

— Янги ўқув йили бошланиши арафасида ўтказилган ушбу кенгашда соҳада амалга оширилаётган янгилик ва илғор тажрибалар билан танишдик, - дейди Тошкент Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи директори Абдурасул Зокиров.— Мазкур анжуман барча ўқитувчи-мураббийларнинг кейинги фаолият йўналишларини белгилаб бериши, шубҳасиз.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Мустақиллик — энг улуғ неъмат*

# ШУНДАЙ КУННИ НИШОНЛАШ ШАРАФ

**Юртимизда байрамлар кўп, тўйлар кўп, эсда қоларли кунлар кўп, халқимиз севиб, ардоқлаб нишонлайдиган анъаналар, шодиёналар кўп. Лекин уларнинг ичида энг улуғи, энг буюги, энг қадрлиси ўзбекнинг қалбини қувончга тўлдирган, ўз эркини қўлига берган, асрий орзу-умидлар ва ниятлари рўёбга чиқишларининг асосий сабабчиси, бу — Озодлик, бу — Эрк, бу — Мустақиллик. Ҳа, бу олий неъмат! Бу — бахт, бу — саодат.**

Шундай кунни нишонлаш — бу шараф!

— Биз нечун биринчи сентябрни байрам қиламиз?

— Ахир шу кун эмасми халқимизни халқ қилган. Ахир шу кун эмасми элимизни эл қилган. Ахир шу кун эмасми тилимизни тил қилган. Ахир шу кун эмасми юртимизни юрт қилган.

— Биз нечун байрам қиламиз шу кунни?

— Дунёга ўзбекни бўйлатган кун. Юмуқ лабларни сўйлатган кун. Ўксик қалбларни куйлатган кун. Миллатга ўзлигини англатган кун! Халқимиз кўнглини яйратган кун. Бу шундай кунки — унутмоқлик гумроҳлик, ёд этмаслик гуноҳлик.

**Истиқлол! Истиқлол!**
**— Оҳ қандай лаззатли сўз!**
**Истиқлол! Истиқлол!**
**— Оҳ қандай марокли сўз.**

Истиқлол. Бугун у ўн тўртга киряпти. Бу ҳали ўсмирлик. Унга тенгдош ва таянч бўлган авлод ҳам шу ёшда. У мангудир, авлодлар ҳам.

Эй, сен зурриёдим, эй сен наслим. Уни асра! Ёт кўзлардан. Ўзга диллардан, назари ёт, ўзга қўллардан. Унга мадад бўл, унга қувват бўл, куч бўл, қудрат бўл! Чунки у мен, чунки у сен, чунки у биз!

**У — МУСТАҚИЛЛИК!**
**У — ОЗОДЛИК!**
**У — ЭРК!**
**У — КЕЛАЖАК!**
**Уни ҳеч кимга бермаймиз абад!**

Бу йил Мустақиллигимизни ўн тўртинчи бор нишонлаймиз, байрам қиламиз, эл-юртга жар соламиз, довруғ қиламиз, кўкрагимизни керамиз, бошимизни баланд кўтарамиз.

Чунки у менинг байрамим, чунки у сенинг байрамииг, чунки у бизнинг байрамимиз.

Шаҳримиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси Мустақиллик байрам сайлини ўн тўртинчи маротаба ўтказмоқда. Боққа Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги ва туман маданият ва спорт бўлими яқиндан ёрдам бермоқда.

Бу йил байрам дастури бўйича боғдаги мавжуд учта очиқ эстрада саҳналарида концерт дастурлари, турли қизиқчи ва цирк артистларининг томошалари, қўғирчоқ театрининг спектакллари намойиш қилинади, — дейди боғда ўтадиган бу йилги байрам дастури режиссёри ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори Рустам Хўжаев. — Боғнинг марказий эстрада майдончаси саҳнасида эса байрам дастурида белгиланган асосий томошалар ташкил қилиниб, ундан кичкинтойларимиз иштирокидаги «Биз истиқлол фарзандларимиз», ёшлардан ташкил топган спорт усталарининг «Соғлом авлод — соғлом келажак» мавзуидаги кўргазмали чиқишлари ҳамда ёшларнинг «Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон» мавзуидаги акцияси, шунингдек, шаҳримизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказларнинг «Биз — ягона оиламиз» мавзуидаги чиқишлари жой олган. Байрам дастурини «Келажаги буюксан — Ўзбекистон» мавзуидаги бўлим билан якунлаймиз. Шу куни Чилонзор тумани маданият муассасаларининг барча бадиий жамоалари билан бир қаторда халқимиз севган таниқли санъат усталарининг чиқишлари ҳам режалаштирилмоқда. Бир сўз билан айтганда боғда ташкил қилинадиган байрам сайлига ташриф буюрган шаҳримиз аҳли ва меҳмонларимиз байрамни хуш кайфият билан нишонлайдилар, деган ниятдамиз. Ҳозирги кунда байрамни юқори савияда ўтказиш учун боғда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Айниқса боғни байрамона безатиш ишларига катта эътибор берилган. Барча ўйин қурилмалари, эстрада ва дам олиш майдончалари, қаҳвахоналарда тайёргарлик ишлари режадагидек олиб борилмоқда.

Ўйлаймизки, бу йилги байрам тантаналарини ҳамшаҳарларимиз пойтахтимизнинг барча гўшаларида катта тантана ва хуррамлик билан нишонлайдилар. Чунки бу Мустақиллик байрами. Чунки у эрк байрами. Чунки у озодлик байрами. Чунки у миллат байрами.

**Мирзаахмад СОДИҚОВ,**
**Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг бадиий раҳбари**




## ЯНГИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ

**Алишер Навоий номли кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланган «Хотира рашки» бадиий фильми тақдимоти бўлиб ўтди. Фильмни режиссёр Фотиҳ Жалолов таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асари асосида суратга олган.**

Бу Ф.Жалоловнинг биринчи режиссёрлик иши бўлиб, айтиш мумкинки илк қадам муваффақиятли бўлди. Фильм жуда таъсирчан чиққан. Картинанинг асосий мавзуси - ўзбек халқига хос бағрикенглик, меҳр ва мурувват каби хислатлар очиб берилган.

...Таниқли ёзувчи Шуҳрат Мардонов болалигида ота-онаси ва яқинларини йўқотиб, ўз ҳаётини асарларида акс эттирди. Фильмда кўрсатилган воқеалар давомида маълум бўладики, олис бир қишлокда яшаб ўтган Холмўмин деган киши Шуҳрат Мардоновга жуда ўхшар экан. Шуҳрат укасини ҳамон ёдида сақларди. Шунда унинг қалбида, балки туғишган укам топилгандир, деган умид туғилади.

Меҳрибон ва самимий Холмўмин ҳаммага ёрдам берар, бу қишлоқ аҳли учун жуда қадрдон одам бўлиб қолган. Абдужаббор Ўлжабоев оиласида эса уни қариндош деб ҳисоблашган. Албатта, ўзини марҳум Холмўминнинг акаси деб атаган нотаниш одам уларда шубҳа туғдиради. Аммо фильм ниҳоясида меҳр, инсоний туйғулар ғалаба қозонади.

Фильмнинг мусиқасини бастакор Жамшид Изомов ёзган. Бош оператор — Султон Мирзааҳмедов. Фильмдаги бош ролни таниқли режиссёр Юсуф Розиқов ўйнаган. Бу унинг актёр сифатидаги илк роли. Картинада Дилором Эгамбердиева, Дилором Сафоева, Жамшид Зокиров, Алишер Отабоев, Рустам Муродов ва бошқа таниқли актёрлар иштирок этган.

Фильм премьераси мамлакатимиз ҳудудларининг бир неча марказий кинотеатрларида бўлиб ўтди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Тараддуд*

# НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**Байрам шодиёналарига, албатта, файзли дастурхон ярашади. Шу боис ҳам ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини шодиёна олди ва тантана кунларида хушнуд этишга интилаётган савдо ва умумий овқатланиш ходимлари ҳам қизғин тараддуд кўришди. Уларнинг намунали хизматларидан баҳраманд бўлганларнинг кайфиятлари янада кўтарилиши, шубҳасиз.**

— Барчамиз учун энг улуғ неъмат саналмиш қутлуғ айём — Мустақиллик байрамининг ўзгача шукуҳи бор, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи ўринбосари Рауф Ҳакимов. — Шу боис ҳам пойтахтимиз аҳолиси ва шодиёна кунларида шаҳримизга ташриф буюрадиган меҳмонларга талаб даражасида намунали хизмат кўрсатиш зиммамиздаги масъулиятли вазифалардан саналади. Бунинг учун кераклли тадбирлар режаси амалга оширилмоқдаки, шаҳар ҳудудида жойлашган савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг Мустақиллик айёмига тайёргарлигини таъминлаш учун ишчи ҳайъати зарур юмушлар чораларини амалга оширди. Барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ободонлаштириш ва орасталик юмушлари кўнгилдагидек бажарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, байрам кунлари аҳоли гавжум бўладиган, халқ сайиллари ва шодиёна тантаналари ўтказиладиган жойларда юксак даражада хизмат кўрсатиш ва сифатга алоҳида эътибор қаратиш доимий диққат марказимизда бўлади. Тантаналарнинг бошланиш жойи — “Наврўз” мажмуаси ва А.Навоий номли театр майдони, Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ кўчаси, Хадра майдони, М.Улуғбек номли майдон, Ўзбекистон Миллий боғи, А.Қодирий номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда барча туманлардаги истироҳат боғлари, аҳоли гавжум жойларда савдо хизмати ташкиллаштирилади.

“Наврўз” мажмуасида байрам савдо шохобчаларини жойлаштириш бўйича схема белгиланиб, унга кўра марказлашган тартибда қурилган 18 та ана шундай дўкончалар жойларга ўрнатилади. Уларда хилма хил маҳсулотлар — озиқ-овқатдан тортиб салқин ичимликларгача, саноат молларидан тортиб “Усто” республика уюшмаси қўли гул ҳунармандларининг буюмларигача сотилади. Туманлардаги гузар ва истироҳат боғларида ҳам кўнгилдагидек овқатланиш, истаган нарсани харид этиш имкониятларини яратиб, албатта кексаю ёшни мамнун этишига эришиш ниятидамиз. Айниқса, сифатли овқатлар, шарқона пишириқлар, чанқовбосди ичимлиг болаларнинг жону дили бўлган мазали музқаймоқлар дам олиб, ҳордиқ чиқаришингизда, яхши тановул қилишингизда ёрдам беради. Шодиёна жойларига ташриф буюрувчиларга қулайлик мақсадида қўшимча ўриндиқлар, миллий айвон ва чойхоналар ўрнатиш кўзда тутилган.

Чирой очаётган Эски шаҳарга алоҳида кўрк бўлиб қайта қурилаётган Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғида ҳам департаментимиз томонидан қурилган 13 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг байрам кунларида фаолият бошлаши ташриф буюрувчиларга ажойиб совға бўлмоқда.

Яна шуни мамнуният билан айта оламизки, вилоятларда етиштирилган арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркаси ҳамшаҳарларимиз дастурхонини 10 сентябргача тўкин қилади.

Шунингдек, 31 август куни “Шаҳидлар хотираси” мажмуасида Қатағон қурбонларини ёд этиш” кунига бағишлаб дастурхон ёзилиб, ўзбек миллий таоми — ош тортилади. Бунинг учун барча тайёргарлик ишлари кўрилди, 800 кишига мўлжалланган ўриндиқлар, айвон ва соябонлар ўрнатилди.

Хизмат беминат бўлиши керак, албатта. Бунинг учун ходимларимиз нафақат юксак малакаси, балки муомалаю маданияти билан одамлар кайфиятини кўтаришга, намунали хизматларидан баҳраманд бўлишга тайёр. Ҳаммамизга бахт келтирган, ота-боболаримиз орзуи армони Истиқлол кунларида азиз халқимизга хизмат кўрсатишдан улар кўнглига йўл топишдан, яхши овқатланиб, унумли харид қилишларига ҳисса қўшишдан беҳад фахрланамиз. Зеро, ҳамиша таъкидланганидек, “Элга хизмат — олий ҳиммат”. Агарда ана шу ҳиммат бизга раҳмат бўлиб қайтса, қалбимиз байрам шуурига тўлади.

**Шарофат БАХРОМОВА**

*Йиллар садоси*

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

## ЎТТИЗИНЧИ ҲИКОЯ

Ҳар йилнинг ўзига хос хусусиятлари, эсда қоладиган муҳим саналари бўладики, уларни ёдга олмай илож йўқ. Биз ҳикоя қилишга жазм этган 1995 йил ҳам бундан мустасно эмас. Аввало бу йил иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиб тарихга кирди. Ўшанда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис биринчи сессиясида қилган маърузасида мамлакатимиз иқтисоди истиқболининг асосий тамойилларига тўхталар экан, ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифалар — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифати ҳамда рақобатга бардошлилигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, миллий валютамиз — сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашинувига эришиш эканлигини таъкидлаган эди. Шу асосда 1995 йилда Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштириш вазифаси қўйилди.

Иккинчидан, бу йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайтадан қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарори асосида шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмини тубдан қайта қуриш ишлари авж олган йил бўлди.

Учинчидан, бу йил пойтахт шаҳардаги шоҳкўчаларни замон руҳига мос равишда ободонлаштириб, кўкаламзорлаштириш, уларни кенгайтириш, шунингдек, пиёда ва транспорт серқатнов жойларда ер ости йўлларини барпо этиш, маҳобатли кўприклар қурилишини кенг миқёсда олиб бориш йили бўлиб қайд этилганлиги билан ҳам эътиборлидир. Худди шу йил бошида бунёдкорлик ишлари бошланган Бешёғоч кўприги қурилиши Мустақиллик байрамининг тўрт йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Хўш, бу кўприкнинг биринчи бўлиши ва унинг қурилишининг қандай зарурий аҳамияти бор эди?

Бешёғоч даҳасини кесиб ўтувчи Бобур кўчаси шаҳримизнинг энг асосий марказий кўчаларидан саналиб, у Тошкентни ҳаво дарвозаси — аэропорт билан боғлайди. Шаҳримизга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг, шунингдек, хорижликларнинг кўпчилик қисми шу йўлдан ўтади. Бунинг устига янги Бешёғоч бозорининг қурилиши, эскисининг қайта таъмирланиши ҳам ушбу даҳани янада гавжумлаштириб юборди. Натижада кўчадан қатновчи транспортлар сони кўпайди. Бу ўз-ўзидан Анҳорнинг Бешёғоч қисмидан ўтувчи кўприк йўлини кенгайтиришни тақозо эта бошлади. Шуни назарда тутиб ҳамда Бешёғоч даҳасини янада ободонлаштириш мақсадида ушбу кўприкни кенгайтиришга, яна ҳам тўғрироғи, уни қайта қуришга киришилди.

Кўприксозлар бундай катта ҳажмдаги иншоотни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида фойдаланишга топширишга аҳд қилишганди. Бундай қисқа муддат ичида узунлиги 93 метр, кенглиги 30 метрни ташкил этадиган улкан иншоотни бунёд этишнинг ўзи бўлмасди. Шунинг учун бу ерда иш уч сменада ташкил этилиб, қурувчилар кечаю кундуз тинимсиз тер тўкишди. Самарали меҳнат ўз натижасини кўрсатди. Кўприксозлар ваъдаларининг устидан чиқишди. Байрам тантанаси арафасида ушбу янги кўприк ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади.

«Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ўша йилнинг маданий ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Шу йилдан бошлаб юртимизда ҳар йили Соҳибқирон бобомиз таваллуд куни нишонланадиган бўлди. Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси бўлган табаррук инсон эски тузум вақтлари йиллар бўйи таҳқирланиб келди. Ҳатто уни қабрида ҳам тинч қўймадилар. Бобомиз бошига тушган ўша қора кунлар шоҳиди бўлган Ўзбекистон Халқ артисти, киносценарист Малик Қаюмов шундай эслайди. Бу ҳаётий лавҳа ҳар биримиз учун бир тарих ва билиб қўйишимиз фойдадан ҳоли эмаслигини эътиборга олиб, уни айнан келтирдик.

— У кунлар сира ёдимдан чиқмайди, — деб эслайди Малик ака. — Унгача икки қисмли «Гўри Амир» ҳужжатли картинасини яратган эдик. Гўри Амирдаги қабрларнинг очилишини бошдан оёғигача суратга олдик. Раҳматли академик Қори Ниёзий бошлиқ ҳукумат комиссияси аъзолари, олимлар ҳаммаси шу ерда эди. Теваракка одамлар тўлиб кетган, ҳамманинг юзида ҳаяжон. Биров лол, биров ранжиган биздан. Академик Семёнов билан Айний домла талашиб қолишди.

— Темурнинг тобути бу ерда йўқ, уни Шоҳруҳ Ҳиротга олиб кетган, — дейди Семёнов.

— Шоҳруҳ олиб кетгани тўғри. У «Бобомнинг жасадини душманлари таҳқирламасин, оёқ ости қилмасин», деб йўлига бўш тобутни Самарқанддан олиб чиқиб кетган. Амир Темурнинг тобути Гўри Амирда, — дейди Айний домла.

Шундай қилиб 20 июнь куни қабр устидаги мармар тахта олинди. Иш кўп. Туш пайти чойхонага чиқамиз. Тушлик қилиб чой ичамиз. Бир гал чой ичиб ўтирсам, ёнимга учта мўйсафид келди.

— Болам, бўлаётган бу ишларга сенинг ҳам алоқанг борми? — деб сўрашди мендан.

— Бор, — дедим. — Прожектор билан ёритиб турмасам, уларнинг иши битмайди.

— Бориб айтсанг, Амир Темурнинг қабрини очманглар, уруш бўлади.

— Қаердан биласизлар, ҳайратда қолиб сўрадим.

— Мана бу китобда ёзилган. «Темурнинг руҳини безовта қилманглар, қабр очилса уруш бўлади», — деб ёзилган.

— Қани кўрайчи? — деб китобга қўл чўздим.

— Арабчаку. Тишинг ўтадими? — деб сўрашди улар.

Ўқисам, худди шундай деб ёзилган. Дарров Гўри Амирга югурдим. Шерикларимга нуронийлар келганини айтдим. Китобни кўрсатдим. Ўша чолларни ҳам, китобни ҳам суратга ололмаганимга ҳали-ҳали афсус қиламан.

Шундай қилиб, 20 июнь куни дастлаб Шоҳруҳ Мирзонинг қабри очилди. Рисоладагича кўмилибди. Сўнгра Мирзо Улуғбекнинг қабри очилди. Учинчи бўлиб Амир Темур тобутини очдик. Кўриб юрагим ўйнаб кетди. Арслондек одам экан раҳматлик. Қоши, мўйлаби сақланиб қолган экан. Бир оёғи иккинчисидан сал калталиги ҳам тўғри. Ўнг тиззасининг кўзига ўқ теккан экан. Оқибатда Соҳибқирон оқсоқланиб қолган. Тобут арчадан ясалган. Ўзи бутун, лекин унга урилган михлар чириб, йўқ бўлиб кетибди. Тобут қопқоғини очишимиз билан димоғимизга камфарага ўхшаш хушбўй ис урилди. Чамаси Амир Темур кийими билан дафн этилган чоғи. Бир парча шойи мато топилди. Жасад мўмиёланган. Гўри Амир мақбарасидаги қабр тошлари устида, қабр эса пастда, даҳмада эмасми, кучли сув тошқини бўлганда мўмиёларнинг ҳаммасини ювиб кетган чамаси.

Хуллас, 21 июнь куни ҳайкалтарош Сергей Герасимов Соҳибқироннинг бошини қўлига олди. 22 июнь куни эрталаб эса уруш бошланғани ҳақидаги хабарни эшитдик. Герасимов Тошкентда бир йил ишлади. Сўнгра тобутлар яна жойига қўйилган. «Правда» газетасида (газетани Москвада ўқиётган ёшлар келтиришди) чоп этилган бир аёлнинг мақоласини ўқидим. У Амир Темур қабрининг очилиши уруш бошланишига сабаб бўлганми ёки йўқми, деган фикрни ўртага ташлайди. Аёлнинг ёзишича, тобут 1942 йилда қабрга туширилгач, урушдаги биринчи катта ғалабага эришилганлиги — Сталинград остонасида немислар тор-мор қилинганлигини ёзади. Ҳар ҳолда шу аёлга раҳмат. Тарихга чуқур иззат-ҳурматда бўлиш ҳақида ёзибди. Анча холис фикрлар юритибди.

Халқимиз буюк саркарданинг жаҳон тарихида ўзига хос ўрин эгаллашини узоқ вақт кутди. Мустақиллик шарофати ила кўпчилик нияти мустажо бўлди. Ниҳоят улуғ Соҳибқирон бобомиз номини фахр билан тилга оладиган бўлдик.

Шу йилнинг унутилмас воқеаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш юзасидан бўлиб ўтган референдум бўлди. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш юзасидан референдум уюшқоқлик билан ўтди. Овоз беришда фаол қатнашган ҳамшаҳарларимиз референдум саволига якдиллик билан ижобий жавоб бериб, Давлатимиз раҳбари атрофида жипслашганликларини, Ўзбекистонда халқимиз бахт-саодати, Ватанимиз равнақи, тинч-тотувликни кўзлаб ўтказилаётган сиёсатни қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини амалда исботладилар.

Ўшанда ҳамшаҳарларимиз газета саҳифаларида ўз хоҳиш-истакларини шундай билдиришди.

— Биз Президентимизнинг барча соҳаларда олиб бораётган фаолиятини маъқуллаймиз. Минг шукрки, мамлакатимизда тинчлик-барқарорлик ҳукм сурмоқда. Барча миллатлар аҳил ва ҳамжиҳат яшамоқдалар. Айниқса, кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланганларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга алоҳида эътибор берилаяпти. Биз Президентимиз ваколати муддатини узайтирилиши учун бажонидил овоз берамиз. Унга сидқидилдан узоқ умр, улуғ ва хайрли ишларида омад тилаймиз.

Референдумнинг натижаси халқимиз порлоқ истиқболга ишонган ҳолда буюк келажак йўлида бир ёқадан бош чиқариб улуғ мақсадлар сари бел боғлаганлигини яна бир бор исботлаб берди. Бу сиёсий тадбир амалга оширилаётган ишларимизни, ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизни халқ қандай баҳолаётганини назардан ўтказиш имконини берди.

Шу йиллари газетамизда «Икки дил достони», «Сиз кутган учрашув» деб номланган янги рукнлар пайдо бўлди. Бу рукнлар остида ёзилган мақола ва суҳбатларнинг ҳар бирини ўқувчи интиқлик билан кутадиган ва севиб ўқийдиган бўлди. Ушбу рукндаги биринчи мақола Комил Яшин ва унинг рафиқаси Ҳалима Носирова ҳақида бўлди. Ундан кейин эса Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова, Абдуғафур Абдураҳмонов ва Турсунхон Жаъфаровалар ҳақида ҳикоя қилинди.

Ўзбекистон Халқ шоираси Зулфиянинг 80 йиллигига бағишланган саҳифани ҳам «Оқшом»нинг ютуғи десак янглишмаймиз. Бу хусусда гап борганда биргина Қирғизистон Халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов ва Бошқирдистон Халқ ёзувчиси Мустай Каримларнинг Зулфияхоним ҳақидаги таърифларини эслаб ўтиш кифоя.

«Эски шаҳар ёшаради», «Тошкент тадбиркори» рукнлари остида бериладиган саҳифалар ҳам «Оқшом»нинг байроқдор саҳифаларидан бирига айланиб қолганди. Бу туркум мақола, лавҳа, фоторепортажлар нафақат қизиқарли, балки уларда пойтахт аҳли Эски шаҳар қисмида бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлардан хабардор этилиб, тадбиркорларнинг ютуқ ва муаммолари хусусида баҳс юритилди. «Шу азиз Ватан барчамизники» рукни эса ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар онгига Ватан тушунчасини сингдиришда муҳим роль ўйнади.

«Оқшом» газеталарининг 1995 йилги фаолиятидан жуда кўплаб ижобий мисолларни келтиришимиз мумкин эди. Лекин биз ўқувчиларни зериктириб қўймаслик учун уларнинг энг асосийларини баён этишни маъқул кўрдик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Семинарлар*

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамкорлигида “Қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзуида семинар-йиғилиш ўтказилди.**

Мазкур семинарда Тошкент вилояти ҳамда пойтахтда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари, бошқарув раислари ҳамда масъул мутахассислар қатнашдилар. Унда долзарб масалалар — корпоратив бошқарувни такомиллаштирш ва корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин уларни қўллаб-қувватлаш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда қўшимча акцияларни жойлаштириш атрофлича муҳокама қилинди.

— Ушбу семинар-йиғилишни ўтказишдан асосий кўзланган мақсад, —дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Даврон Дулунбоев, — пойтахтимизда фаолият юритаётган акциядорлар ҳамда қимматли қоғоз эгалари олдида турган энг долзарб муаммоларни таҳлил этиш орқали улар фаолиятига ғов бўлаётган айрим тўсиқларни бартараф қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш, назорат органлари, ҳокимлик тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни ривожлантириш ҳисобига акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимиз иқтисодиёти равнақидаги ҳиссалари салмоқли бўлишига қулай шароит яратишга кўмаклашиш ҳамда юзага келаётган баъзи муаммолар ечимини бартараф этишдан иборат. Шу боис ҳам юздан ортиқ акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари, кўплаб тузилмалар вакиллари бу ерга таклиф қилинди.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан иқтисодиётимизни ривожлантириш мақсадларида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли юртимизда мулкдорлар синфи — акциядорлар пайдо бўлишди. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ акциядорлари янги тузилган акциядорлик жамиятининг тўлақонли аъзолари — таъсисчилар, иккинчи гуруҳдагилар эса давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамияти акциядорлари ҳисобланишади — улар асосан 1 фоиздан 10 фоизгача, баъзи ҳолларда 51 фоизгача назорат пакети эгаларидан иборат.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, янги тузилган акциядорлик жамиятлари аъзолари — акциядорлар анчайин фаол ҳамда вазифаларию ҳуқуқларини тўғри англаганлар. Шу боис, улар йирик пакетлар эгаси бўлиб, акциялар сотиб олишда тадбиркорлик ва омилкорлик билан иш кўра биладилар...

Савол-жавоб, яъни мулоқотлар давомида қатнашчиларда анчайин фаоллик сезилиб турди. Бу ерда йиғилган акциядорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан қониқарли жавоблар олдилар ҳамда республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган, ғов бўлаётган айрим муаммоларни ечиш юзасидан бир нечта ўринли таклифлар киритишди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**




Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари
ҳамда тадбиркорлар

**ДИҚҚАТИГА!**

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.**

**Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:**

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

**«Ипотека-банк» АТИБ Меҳнат филиалига тегишли «ГАЗ-31029» автомобили сотилади. Тел: 133-91-12, 133-43-06.**

Ҳамза туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига қарашли "Тадбир ривожи" ахборот-маслаҳат маркази Савдо-саноат Палатаси Тошкент шаҳар бошқармасига қарашли "Тадбир ривожи" ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонасига айлантирилди.

Даъволар икки ой мобайнида 191-36-05 телефони орқали қабул қилинади.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**

**Факс: (3712) 133-29-09.**

**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**

# АЗАЛИЙ РАҚИБЛАР БЕЛЛАШДИ

**Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 17-тур баҳсларида кутилмаган натижалар қайд этилди.**

Аввало, турнинг марказий учрашуви Тошкентда "Пахтакор" ва "Нефтчи" жамоалари ўртасида кечди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар сафар мамлакатимизнинг икки номдор жамоалари баҳси муросасиз ва шиддатли курашларга бой кечади. Чемпионатнинг биринчи даврасида Фарғонада бўлиб ўтган беллашув майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланганди. Шу боис ҳам мутахассислару мухлислар Тошкентдаги учрашувда кутилмаган ҳисоб қайд этилишини тахмин қилишгани бор гап. Аммо, ғалаба сув билан ҳаводек зарур бўлган пахтакорчилар шу куни тезкор, комбинацион, ҳужумкор ўйин намойиш этишиб рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. 90 дақиқа мобайнида фарғоналиклар дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритган тошкентлик футболчилар муҳим уч очкони қўлга киритишди. Мухлисларга қувончли онларни ҳадя этган голларни дарвозага Николаев ва Солиевлар йўллашди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Навбаҳор" — "Металлург" — 1:0, "Тўпаланг" — "Насаф" — 2:0, "Бухоро" — "Локомотив" — 4:3, "Шўртан" — "Сўғдиёна" — 2:0, "Трактор" — "Машъал" — 3:5. Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 18-тур баҳслари 10 сентябрда ўтказилади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Футбол*

# БЕЛЛАШУВЛАР МУДДАТИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Кубогининг чорак финал учрашувлари муддати аниқланди. Дарвоқе, эндиликда чорак финалдан «Пахтакор» жамоаси ҳам мусобақаларга қўшилади.**

Кубок беллашувларининг чорак финалигача етиб келган жамоалар 4 сентябрда биринчи учрашувни, 8 сентябрда жавоб баҳсларини ўтказишади. «Пахтакор» командаси аъзоларидан кўпчилиги Ўзбекистон миллий терма жамоаси асосини ташкил этганлиги учун «Пахтакор» — «Насаф» ўйини номаълум муддатга қолдирилди. Шунингдек, айрим сабабларга кўра Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг «Нефтчи» — «Машъал» учрашуви ҳам бошқа куни бўлиб ўтади.

# ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ ИШ БОШЛАДИ

**Мамлакатимизда Мустақиллик шарофати билан бошқа спорт турлари қатори аёллар футболи ривожига ҳам катта эътибор қаратиляпти.**

Шу кунгача Ўзбекистон аёллар терма жамоаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига иқтидорли мутахассис Мирон Ким бош мураббийлик қилиб келаётганди. Эндиликда аёллар футболи бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини таркиби деярли ёшлардан тузилган «Севинч» клуби бош мураббийси Абдураҳмон Омонгулов бошқарадиган бўлди.

Халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари ўқув-машғулот йиғинларини сентябрь ойининг ўрталарида Чирчиқ шаҳрида ўтказишади.

# ҲИМОЯ ЧИЗИҒИ КУЧАЯДИМИ?

**Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг иккинчи босқич беллашувларини учинчи ўрин билан якунлаб кейинги босқичга йўлланма олган Ўзбекистон терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларини бошлади.**

Шуниси эътиборлики, қувайтликлар билан кечган аввалги учрашувда терма жамоамиз ҳимоя чизиғида муаммолар борлиги кўзга ташланган эди. Дарҳақиқат, Бахтиёр Ашурматов ва Андрей Фёдоровларсиз майдонда ҳаракат қилган футболчиларимиз ўз дарвозаларидан икки тўп ўтказиб юборишганди. Шу боис ҳам Боб Хоугтон таркибда ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини яширмаяпти. Тажрибали ҳимоячимиз Андрей Фёдоров яна сафга қўшилади. Жароҳат олган Гейнрих ва Ширшовлар ўрнида бу сафар Улуғбек Бақоев ва Владимир Радкевичлар ҳаракат қилиши кутилмоқда. Гарчи Бахтиёр Ашурматовнинг майдонга тушиши номаълум бўлсада, Фёдоров бошчилигидаги ҳимоячиларимиз ишончли ўйин намойиш этадилар деб умид қиламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Айтишларича, Гаштосиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Кустантания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафси йўл қўймас эди. Унинг ёдига ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четида жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилар олдига борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу ҳунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида ҳунар ўргатишга фармон берди.

● ҲИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

**Дунёнинг қарори**
**илм биландир,**
**Илмсиз кишига**
**йўқдир эътибор.**

Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамаябди, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда» — деди. Байт:

**Ҳар инсон илмдан**
**тополса бахра,**
**Иши ўқиш ила**
**саволу жавоб!**

Онаси муаллимдан: «Билолмадингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан тўхтаб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Билишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшуқ юзига ҳайронга ўхшайди:

**Ўзи меҳнатга**
**ожизу боши**
**савдога лиқ тўла,**
**Бугун эртанинг**
**фикри ҳақида**
**ўйламас асло!**

Агар мен илму иймондан савол қилсам у васлу ҳижрондан гапиради, агар мен ҳалолу ҳаромдан ҳикоя қилсам у зулф ила ҳолдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо, бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий эмасдир!




*Мунажжим башорати*

## ЯХШИ ОДАМЛАРГА ЭРГАШИНГ

**31 АВГУСТ, ЧОРШАНБА**

**Ҳар доимгидек мунажжим дўстларимиз бугунги маслаҳатларида ҳам кунни яхши ўтказиш омилларини баён қилишади. Раҳбарлар билан, жамиятдаги баобрў кишилар билан мулоқотда бўлиш, машҳур кишилар суҳбатини олиш сиз билан биз учун керак бўларкан. Уларнинг фикрлари, маслаҳатларига қанчалик амал қилсангиз, шунчалик омадингиз келиши кутилади. Ахборотлар сайёраси Меркурий билан сеҳргарлик сайёраси Плутон кувватларининг қўшилиши шундан дарак беради.**

Мунажжим С. Ильичёв ҳам касбдошларини қувватлаб, раҳбарлар билан мулоқотларнинг нафи тегишини айтади. Шунингдек, унинг фикрича, кийим-кечаклар, қимматбаҳо зеб-зийнатлар сотиб олиш ҳам бугун хайрли бўларкан. Яна бугун душманлар билан ярашиш, ўзингизни хафа қилганларни кечириш, қарзларни қайтариш, ўзаро муносабатларни осойишта, дўқ-пўписаларсиз аниқлаб олиш ҳам самарали бўлади.

Кексаларнинг, ота-оналарнинг дуоларини олиш ҳам бугунги омадингизга кўмаклашади. Табиат қўйнида бўлиш, фарзандлар, қариндош-уруғлар билан дийдорлашиш, кичкина бўлса ҳам оилавий байрамларга баҳона топиб, совға-саломлар улашиш, атрофдагиларга шафқатли, меҳр-мурувватли бўлишга ҳаракат қилинг. Бугун ишнинг ҳаммаси ҳаётингизнинг ёркин ва мазмунли бўлишига хизмат қилади.

Бугун бегоналар тушириб қолдирган нарсаларни олиб бўлмайди – ўшалар юки зиммангизга тушади.Турли хил арзимас майда-чуйдаларни йўқотиш яхшилик аломати бўлиб,покланиш ва нохушликлардан халос бўлишни билдиради. Фақат йўқотган нарсангизга ачинманг.

Бу кеча ҳам туш кўришингиз табиий. Уларга эътибор қилсангиз бўлади – зеро, бу тушлар башоратлилиги билан қимматли.

Сув бугун шифобахш кучга эга бўлади. Шунинг учун чўмилиш, устингиздан сув қуйиш, ҳатто ҳаммомга бориш ҳам фойдали бўлади.

Оқ, сариқ ва юлғун рангли либослар бугун сизга ярашиқли бўлиб, омадингиз юришишига омил бўлади. Аммо қора ва жигарранг туслардан йироқроқ бўлинг.

**ЧОРШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— деҳқончилик ишлари билан, жонли табиат билан боғлиқ ҳар қандай иш билан шуғулланиш;

— ўз бошлиғингиз ва бошқа раҳбарлар билан мулоқотда бўлиш;

— ирода кучингизни намоён этиш, ўз-ўзини тарбиялаш билан машғул бўлиш;

— яқин ва узоқ қариндошлар билан алоқаларни тиклаш;

— рухсатнома, шахсингизни аниқловчи гувоҳнома ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш;

— ҳар қандай вазиятда ўзингизни муносиб тутишингиз тавсия этилади.

Характерингиз бўшлигини билдириб қўйиш, ирим-сиримларга, айниқса, уларнинг ёмонликка йўйиладиганларига ишонишдан сақланинг.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-709. Г 2 3 4 5 6